Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 30 ноябрь, пайшанба. №146. (21.909) Сотувда эркин нархда.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ





СУРАТЛАРДА: сессия пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ ва Р. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

29 ноябрь куни Қаршида халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари учинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияга вилоят кенгашининг ноиблари, вилоятдан сайланган Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлари, республиканинг айрим вазирликлари ва идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят ташкилотларининг бошлиқлари таклиф этилди.

Сессияда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Президент ўз нутқида Қашқадарё вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга баҳо бериб, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини чуқур таҳлил қилди. Бу борада йўл қўйилаётган камчиликларга эътиборни қаратди. Вилоят фаоллари ва меҳнаткашлари олдида турган долзарб вазифалар ҳақида тўхталди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Т. Хидиров вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Ўзбекистон Президенти тавсиясига кўра Китоб тумани ҳокими бўлиб ишлаб келаётган Озод Пармонов вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, С. Мирсафоев, Бош вазир ўринбосари М. Усмонов иштирок этди.

(ЎзА)

ЮРТГА МУНОСИБ БЎЛАЙЛИК

Ўзбекистон Президенти девонида таниқли шоирлар, бастакорлар, олимлар, журналистлар, радио ва телевидение раҳбарлари, жамоатчилик ташкилотлари бошлиқлари иштирокида кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда юртимиз мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган замонавий қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш масаласи муҳокама қилинди.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайрулла Жўраев шу масала юзасидан махсус ҳукумат қарори тайёрланаётганини маълум қилди.

Кенгашда қатнашган ижодкор ва мутахассислар янги кўрик-танлов шарт-шароитлари ҳақида таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Мухбиримиз Президентнинг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст билан учрашиб, бўлажак кўрик-танловдан кўзланган мақсад хусусида суҳбатлашди.

— Янги кўрик-танлов ташаббуси Президент Ислом Каримовга тегишли,— деди матбуот котиби.— Танловнинг ғоясини битта — Ватан деган сўз билан ифода этиш мумкин. Чунки Ватан ҳажрида, Ватан армонида куйиб ўтган не-не мумтоз шоирларимиз бор. Халқимизнинг асосий фазилатлари ҳақида сўз кетаркан, энг аввало, она заминга меҳримизни тилга оламиз.

Бўлажак кўрик-танлов фақатгина шу фазилатларимизни намойиш этиб қолмасдан, минг йиллик анъаналаримиз, буюк тарихимиз ва ғуруримиз асосида бутунлай янги, бугунги давлатчилигимиз мақсадларини, қулликдан, асрий истибдоддан халос бўлган пайтимизни ҳам акс эттириши зарур. Кўрикда фақат янги куй ва янги матн асосидаги қўшиқлар билан иштирок этиш мумкин.

Президентимизнинг бу тадбирни мамлакат миқёсига кўтаришида катта маъно бор, деди М. Муҳаммад Дўст. Чунки, бу кўрик-танлов бугунги озод Ватанимизни улуғлайдиган, барчамизни келажакка чорлайдиган ҳамда шу Ватанга муносиб фарзанд бўлишга, шу Ватан шарафи ҳимоясига даъват этадиган ва халқимиз жўр бўлиб куйласа арзийдиган ҳақиқий санъат асарларини саралаб олиб, уларни эл орасида кенг тарғиб этиш имконини яратади.

(ЎзА).

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз дўстлар!

Қашқадарё воҳаси дунё маданияти тараққиётининг олтин белбоғи бўлмиш Буюк ипак йўлининг энг муҳим нуқталаридан бирида жойлашганини ҳаммамиз яхши биламиз. Бу серфайз замин ўзининг беқиёс моддий ва маънавий неъматлари билан машҳурдир.

Қадимий Насаф ва Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ Марказий Осиё халқлари маданияти тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Буюк Амир Темур тавалуд топган бу қутлуғ замин аҳли бугунги кунда улуғ бобокалонимизнинг 660 йиллик шонли тўйига бутун мамлакат халқи қаторида зўр тайёргарлик кўрмоқда.

Амир Темур юбилейи бутунлай янги, миллий давлатчилигимиз шаклланиб, жамиятимиз тубдан ислоҳ этилаётган тарихий бир даврда ўтиши билан диққатга сазовордир.

Дарҳақиқат, бугунги Ўзбекистон жаҳон тараққиётида ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини белгилаб олган мамлакатдир. Мустақилликнинг тарихан жуда қисқа даврида мамлакатимиз нафақат сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда юксак муваффақиятларга эришибгина қолмай, балки жаҳон сиёсатига янгича ёндашуви орқали дунё ижтимоий-сиёсий жараёнларини янгича мазмун билан бойитишда ҳам фаол иштирок этмоқда. **Бугун Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва нуфузи борлигидан фахрлансак арзийди.**

Азиз дўстлар!

Биз ҳақли равишда халқимизнинг, юртимизнинг улуғ тарихи ва бетакрор маданияти билан, шу муқаддас заминда яшаётганимиз билан фахрланамиз. Лекин, ҳаёт келажагимизни, муносиб ҳаётимизни, мустақил давлатчилигимиз ва адолатли жамиятимизни барпо этиш учун янги ғояни, буюк вазифа ва муаммоларни ҳал қилишда халқимизнинг руҳини кўтарадиган миллий мафкура, янгича тафаккурни тақозо қилади.

Зеро, илму тафаккур — кишини эзгуликка бошлайдиган беқиёс куч. Илм ва тафаккур одамлар қалбига нур, онгига зиё, хонадонига файз-барака келтирадиган буюк мўъжизадир. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, баркамол, ташкилотчи ва зукко кадрларни тайёрлаш ишига алоҳида аҳамият беришимиз керак. Бинобарин, саводли халқ ва илмли раҳбарлар билан ишлаш ҳам осон, ҳам завқли.

Улуғ маърифатчи Абдулла Авлоний **«Илм — дунёнинг иззати. Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур»,** деган эди.

Очиғини айтсак, ҳозирги туб бурилишлар даврида биз фикримизни қилич каби ўткир қиладиган, хатти-ҳаракатимизни ойна каби кўрсатадиган ана шундай илмга муҳтожмиз. **Бугунги кунда ислоҳотларнинг самараси бевосита дунёқарашимизнинг нечоғлик шаклланган ва тафаккуримизнинг нақадар кенг эканига, эски тизимдан қолган боқимандалик кайфиятидан қанчалик тезроқ озод бўлишига боғлиқ бўлиб турибди.**

Ҳурматли дўстлар!

Бугунги учрашувимизнинг, мажлисимизнинг асосий мақсади Қашқадарё вилоятида барча соҳаларни ислоҳ қилиш, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, мулкчиликнинг турли шаклларини барпо этиш билан боғлиқ масалаларни танқидий кўз билан баҳолаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш муаммолари, олдимизга қўйган мақсадларга эришиш учун ғов, тўсиқ бўлиб турган масалаларни бирга кўриб чиқиш ва уларнинг ечимини топиб олишдир.

Маълумки, Қашқадарё вилояти ўзининг ишлаб чиқариш кўлами ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш бўйича мамлакатимизда салмоқли ўрин эгаллайди. Жумладан, вилоятнинг пахта ва дон етиштиришдаги ўрни катта. Мамлакатимизнинг ривожи ва тараққиёти асоси бўлмиш ёнилғини етказиб бериш маконидир. Бу ерда саноатни ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий соҳа тараққиётини тезлаштиришда маълум даражада ютуқлар қўлга киритилди. Буни тан олишимиз керак. Бироқ булар ҳозирги туб бурилишлар даври талаби даражасида эмас.

Мамлакатимиз мустақилликнинг бешинчи йилига қадам қўйди. Ҳозир иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи бошланди. Республика ҳукуматининг саъй-ҳаракати билан вилоят ҳудудида беқиёс аҳамиятга эга бўлган нефть ва газ заҳираларини излаб топиш ва қайта ишлаш корхоналари қурилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Улар керакли миқдорда маблағ ва ишчи кучи билан таъминланмоқда. Бироқ мазкур қурилишларни тезкорлик билан ниҳоясига етказишда маҳаллий ҳокимликнинг ҳиссаси ва таъсири унчалик сезилмаяпти.

Ижтимоий объектлар қурилишига кам эътибор берилмоқда. Ачинарлиси шундаки, қурилиш ҳажми 1991 йилдан буёғига камайиб бормоқда. 1994 йил якунларини 1993 йилги кўрсаткичлар билан таққосланганда, вилоятда уй-жой қурилиши 22,5, болалар боғчалари 85,8, касалхоналар қурилиши 49,3, поликлиникалар 87,1, газ ва сув қувурларини ишга тушириш 30 фоиз камайиб кетган. 1995 йилнинг 9 ойлик натижалари бундан ҳам аянчли.

Вилоят туман ва шаҳарларида аҳоли ҳисобидан бозорлар, дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш пунктларини қуриш жуда суст бормоқда. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари қониқарли эмас.

Вилоят қурилиш комплекси ўз имкониятининг атиги 62 фоизидан фойдаланмоқда, ижтимоий соҳада қуриб битказилмаган объектлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Вилоятда 57 та мактаб, 10 та болалар боғчаси, 15 та касалхона қурилиши чала ҳолда турибди. Ваҳолонки, бугун ишлаб турган 44 фоиз мактаб, 61 фоиз болалар боғчаси, 53 фоиз касалхона ва поликлиникалар мослаштирилган биноларда жойлашган.

Аҳолини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш бўйича вилоят ҳаракат дастури барбод бўлган. Газ билан таъминлаш 38,5 фоизни, сув билан таъминлаш эса 64,9 фоизни ташкил этади.

Ана энди мавжуд ҳодисаларга холисона баҳо беринг. Бугун мамлакатни газ билан таъминлайдиган вилоят аҳолисининг асосий қисми табиий газдан фойдалана олмаяпти. Ачинарлиси шундаки, бу ҳол раҳбарларни, мутасадди шахсларни ташвишга солмаяпти. Улар ҳамон эски замоннинг лоқайдлик ва боқимандалик кайфиятидан қутула олмаяптилар. Нима, газ ва сувни республика ҳукумати келтириб бериши керакми?

Бугун Қашқадарёда мавжуд аҳвол-вазиятни кузатиб, бир нарсага ачинаман. Агарда мен мана шу бетакрор заминда бағри кенг, меҳнаткаш ва заҳматкаш, ҳар қандай қийинчиликка бардош берадиган, чидамли, сезгир, керак бўлса, буюк мақсад йўлида меҳнат қилиш у ёқда турсин, жонини ҳам беришга тайёр турган халқни яқиндан билмасам, унинг кенг имкониятларини билмасам, ўзимни қийнаб ўтирмасдим, ортиқча саволлар ҳам бермасдим.

Гап бундай имкониятларга эга бўлмиш халқни бошқариш, унинг ички, юрагидаги ғамташвишлардан хабардор бўлиш, уни ҳимоя қилиш, ёруғ мақсадларга чорлаш — бунинг ҳаммасини кимдир ўз зиммасига, елкасига олишидадир.

Авваламбор, ҳар қайси поғона, тоифа, умуман, ҳаётимизда адолат ўрнатишда, ҳақиқатни қарор топтиришда ўзини аямаслик, ўрнак ва ибрат кўрсатиш — ҳар қандай раҳбар учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Бу масалада Қашқадарёда содир бўлаётган вазиятни кўздан кечирайлик.

Вилоятда сўнгги уч йилда 179 хўжалик раҳбаридан 104 нафари алмаштирилган. Лекин бундай олдиндан чуқур ўйламасдан, таҳлил қилмасдан, шошма-шошарлик билан қилинган ишлар оқибатда нима бериши мумкин эди?

Жами янги раҳбарларнинг 11 фоизигина 30 ёшгача бўлган кадрлардан иборат эканини янгиланиш дейиш мумкинми ўзи?

Кўпчилик раҳбарлар ҳамон юқоридан буйруқ кутиб, боқимандалик кайфияти билан яшайдиган бўлса, замон талаблари моҳиятини тушунишга ҳаракат қилмаса, ижобий натижалар кутиш мумкинми?

Вилоят ҳокимлиги ҳукуматимизнинг жойлардаги ваколатхонаси, ҳоким эса Президентнинг вакили, деб кўп гапирамиз. Аммо **жойлардаги ҳокимлар бугунги замонавий талабларга жавоб бера олмаса, қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорларнинг маъно, негизини яхши англамаса, ташаббускорлик ҳиссиёти ва хусусиятларидан олис бўлиб, янгиликларга тўсиқ бўлиб турса, уларни Президентнинг вакиллари, халқнинг ваколатини олганлар деб бўладими?**

Бу фикрнинг тасдиғи учун бугуни ва эртанги ҳаётимизни ҳал қилувчи бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Қашқадарё вилоятида 1300 қишлоқ бор. Шу қишлоқларда 1 миллион 400 минг киши эртанги кунга катта умид билан яшамоқда.

Қани, айтинглар, ҳурматли халқ вакиллари, ана шу қишлоқларнинг қанчасида бугун кичик корхоналар ва тадбиркорлик ташаббуси билан ташкил қилинган иш жойи бор?

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатяптики, атиги 600 та, яъни 45 фоиз қишлоқ ҳамда хўжаликларда кичик корхона ва хусусий ташкилотлар бор. Уларда бор-йўғи 12 мингга яқин киши ишлаяпти. Ўзингиз ўйланг, қарийб 1,5 миллион одам қаерда-ю, 12 минг иш жойи қаерда?

Буни қандай изоҳлаш мумкин? Бу ҳақда қанча гапириш мумкин?

Нима, Қашқадарё воҳасида бунинг учун хом ашё ва етарли даражада имкониятлар йўқми? Нима кўп, Қашқадарёда хом ашё кўп!

Бу муаммони ечмасдан на қишлоқ хўжалиги, на бошқа тармоқларни ривожлантириб, энг асосийси, халқнинг аҳволини, ҳаёт даражасини яхшилаб, юртимизнинг барқарорлигини таъминлаб бўлмайди. Бу ҳаммамиз учун тушунарли бўлиши керак.

Хулоса шундай бўлиши лозим, деб ўйлайман.

Бундан кейин кимки бу ҳақиқатни тушунмаса, уни ҳаётимизга татбиқ этиш учун жонкуярлик, тадбиркорлик қилмаса, раҳбар бўлишга ҳаққи йўқ. Ўз жойини бошқаларга бўшатиб берсин.

Иккинчи мисол: вилоятнинг қишлоқ жойларида ташкил қилинган жами 45 та ўрта махсус ва ҳунар ўқув юртлари мавжуд. Уларнинг аҳволини, ўқув дастурлари, дарсликларини кўриб, аксарият ўқитувчилари, ҳатто раҳбарларининг малакаси ва маданиятини кўриб одам ачинади.

Бундай аҳволдаги ўқув юртларида ёшларимизни қандай касб-ҳунарга ўргатиш мумкин?

Бу ўқув юртларидан ўсиб келаётган авлодни зукко, билимдон ва бугунги эркин бозор иқтисоди талабаларига жавоб берадиган қилиб тарбиялашни кутиш мумкинми?

Эртанги кун янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган юксак малакали мутахассисларни талаб этади. Биз шунга тайёрмизми? Бугунги раҳбарларнинг бу ишдаги ҳиссаси қандай?

Вилоят ҳокимининг ва ҳокимликнинг энг заиф жойи шун-

(Давоми 2-бетда).

ХДП: ҳисобот-сайловлар

ЧУҚУР ТАҲЛИЛ, ЮКСАК ТАЛАБЧАНЛИК ЗАРУР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси куйи бўғинларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари давом этяпти. Бундай тадбирлар яқинда Наманган вилоятининг Ғурумсарой ҳудудий, Андижон вилоятининг Балиқчи тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ўрамидаги, Пахтаобод туманидаги «Юқори» ҳудудий, Марғилон шаҳридаги «Хонатлас» ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтди. Уларда маърузачилар ва музокараларда сўзга чиққанлар ўз ташкилотларининг фаолиятини чуқур таҳлил этиб, яқин истиқболдаги вазифаларни белгилаб олдилар. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги мамлакатимиз раҳбариятининг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, республикамизни жаҳоннинг энг тараққий этган давлатлари қаторига олиб чиқишга қаратилган доно ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллаётганликларини изҳор этдилар. Йиғилишларда юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бозор иқтисодиётининг қарор топишини тезлаштириш, кишилар онгида мулкка нисбатан янгича муносабатни тарбиялаш, фуқароларимизда юксак маънавий фазилатларни, замонавий сиёсий маданиятни миллий анъана, урф-одатларимиз билан омухталашган тарзда шакллантириш, бу жараёнларда партиямиз маҳаллий ташкилотлари ва аъзоларининг иштирокини кенгайтириш зарурлиги ҳақида атрофлича фикр юритилди. Аҳолининг эҳтиёжманд қисмини ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш, хонадонларни газлаштириш ва ичимлик суви етказиб бериш бўйича Президент фармонларини бажаришда партиявий назоратни таъминлаш, янги иш ўринлари яратилишига омил бўладиган кичик корхоналарни вужудга келтириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Олдимизда турган долзарб вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда партиямиз бошланғич ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти тобора ошмоқда. ХДП ҳудудий ташкилотларини кенгайтириш ҳамда улар фаолиятини давр талаблари асосида такомиллаштириш, партия ички демократиясини мустаҳкамлаш, аъзоларимиз фаоллигини кучайтириш, уларнинг партиявий топшириқларни бажаришдаги масъулиятини ошириш — биринчи галдаги ишлардандир. Ташкилотларимиз ўзларининг амалий ва аниқ ишлари, халқнинг қувончу дардига шерик бўлиш билангина партиямиз нуфузини янада кўтариш мумкин, деб таъкидланди йиғилишларда. Бунинг учун Ўзбекистон ХДП сафларини энг муносиб кишилар ҳисобига тўлдириш, фаол, ташкилотчилик қобилиятига эга иқтидорли ёшларни партиямиз сайланма органлари таркибига тавсия қилиш муҳимдир. Жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда ишлаб, юқори натижаларга эришаётган, ишлаб чиқариш ва молиявий-хўжалик фаолиятини яхши йўлга қўйган маҳаллий партия ташкилотларини ҳам ҳар қанча қўллаб-қувватласа арзийди.

Йиғилишларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов қатнашди ва нутқ сўзлади. У, шунингдек, қатор меҳнат жамоалари бошланғич партия ташкилотларида бўлди, Фарғона вилояти шаҳар, туман кенгашлари биринчи котиблари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар бўйича 102-Янгиқўрғон округи сайловчилари вакиллари билан учрашди.

Н. АБДУЛЛАЕВ,
А. СОЛИЕВ,
А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

«Обуна-96»

ТАШАББУС ҚУЛОЧ ЁЙДИ

Бухоро давлат университети, тиббиёт институти, Когон ёғ-экстракция заводи меҳнат жамоаси ва Ғиждувон туман халқ таълими бўлими ходимлари 1996 йил газета ва журналларга обуна бўлиш ҳамда матбуотни қўллаб-қувватлаш ниятида шу ойнинг дам олиш кунларида шанбалик ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар. Уларнинг бу ибратли ташаббуси вилоят ҳокимлиги томонидан қизғин маъқулланди.

Ушбу шанбаликдан тушадиган маблағ ҳисобига фуқаролар, кам таъминланган оилалар, ногиронлар келгуси йил учун газета ва журналларга обуна бўладилар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ!

Газетамизнинг обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

Фуқаролар учун
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга — 543 сўм.
Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.
Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга — 1210,80 сўм,
олти ойга — 605,40 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Тошкент шаҳридаги обуначиларга етказиб бериш харажатлари кам бўлгани туфайли алоҳида обуна баҳоси белгиланди:

Фуқаролар учун
бир йилга — 876 сўм,
олти ойга — 438 сўм.
Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.
Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга — 1211 сўм,
олти ойга — 610 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.



ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

даки, кадрлар билан ишлашда, уларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишдай масъулиятли ишда қўпол хатоларга йўл қўймоқда.

Менимча, ҳоким Т. Хидировнинг энг катта камчилиги, аввалambор, **атрофида соғлом муҳит яратa олмаганида, ўз ёрдамчиларига ишонч билдириб, улардан чўчимасдан, ўсиши, мустақил ишлаши учун шароит туғдириб бермаслигидадир.**

Ёш, ишнинг кўзини биладиган мутахассислар ва раҳбарларнинг ўсишига рағбат кўрсатиш ўрнига, уларни вилоят марказидан четроқ жойларга жўнатиш одат тусига кириб қолаётганини кўриш мумкин.

Бундай аҳвол ҳар хил миш-миш гапларнинг тарқалишига, ўзаро ишончсизликка, белни маҳкам боғлаб, бамаслаҳат, баҳамжиҳат ишлаш, халққа етакчилик қилиш ўрнига бир-бири билан алоқаларни аниқлаш, ким ким ҳақида нима деганининг орқасидан қувиштириш оқибатида носоғлом муҳит пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Аҳвол шу даражага бориб етдики, вилоятда айрим ношуд ва нотавон, уқувсиз ва хафсаласиз, билим даражаси паст ва дунёқараши тор кимсалар масъул лавозимларга чиқиб олишига йўл қўйилди.

Бундай нохуш аҳвол тўғрисида кўп бор айтилди. Танқиддан тўғри хулоса чиқарилади деб яна ишондик. Афсуски, аҳвол ўзгармади. Чунки вилоят ҳокими Т. Хидиров ўз фаолиятини давр талабларига мос равишда йўналтира олмади. У кўпинча бир пайтлардаги хизматлари ва обрў-эътибори таъсири билан яшамоқда, янги замон келганини, энди янгича ташаббуслар билан ишлаш лозимлигини пайқамади. Энди бундай аҳвол билан муроса қилиб бўлмайди.

Яна бир бор айтмоқчиман: **бугунги барча ишларимиз, машаққатли меҳнатларимиз, орзу-ниятларимиз, интилишимиз, кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан қилаётган саъй-ҳаракатларимиз — ҳамма-ҳаммаси эртанги ёруғ кунларимиз, муносиб ҳаётимиз, биз раҳбарларга кўз тикиб катта умид билан боқиб турган халқимиз, гўдакларимиз, аёлларимиз, кексаларимиз учундир.**

Шунинг учун ҳам уларнинг ҳаёт даражаси, сиҳат-саломатлиги, кайфияти, интилишлари, ишончи кундалик ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бу ўзгаришлар қай даражада халқимизнинг талабини қондириш билан боғлиқдир. Қашқадарё ҳаётида содир бўлаётган баъзи бир воқеаларни, рақамларни эслаб ўтсак, бу ерда ўтирган кўпчилик фаолларимизни тегишли хулоса чиқаришга мажбур қилади, деб ўйлайман.

1994 йил кузи ва 1995 йил баҳорида ҳарбий хизматга чақирилган ёш йигитларимизнинг тахминан 30 фоизи соғлиғи ёмонлиги сабабли хизматга яроқсиз деб топилган.

Бундай ачинарли аҳволнинг сабаблари қаердан пайдо бўлаётгани ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Узбекчиликда маҳалла бўлиб, жамоа бўлиб яшашнинг неча минг йиллик тарихи бор. Биз бу анъаналарни янги мазмун билан бойитмоқдамиз.

Бугунги даврда маҳалла жойлардаги ўз-ўзини бошқариш тизимининг таянчи сифатида фаолият кўрсата бошлади. Бу жамиятимиз бугунги ҳаётининг энг самарали, айни пайтда миллий ва халқчил кўринишидир.

Ҳаммадан олдин одамларнинг иссиқ-совуғидан, ғамташвишидан хабар топадиган ким? Албатта, маҳалла аҳли. Турмуш тарзини изга солиш, кундалик муаммоларни ҳал этиш учун энг аввало маҳалла фаолиятини кучайтириш, уларга ёрдам бериш зарур.

Кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофазалаш мақсадида маҳаллалар ихтиёрига катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Бироқ кўп ҳолларда ана шу маблағларни нотўғри тақсимлаш ва, ҳатто, ғайриқонуний ўзлаштириш ҳоллари юз бермоқда.

Айниқса, Қарши шаҳрида, Яккабоғ, Чироқчи, Деҳқонобод, Косон, Усмон Юсупов туманларида бундай салбий ҳодисалар кенг авж олган. Яккабоғ туманидаги Самоқ қишлоқ фуқаролар кенгаши бошлиғи М. Тўраева ва котиби Н. Бердиев 27 шахс номидан моддий ёрдам тайинлаш бўйича қалбаки далолатнома тузиб, 25 минг 600 сўмни ўзлаштирганлар.

Бу кимсалар қайси юз билан етим-есирларнинг, фақир одамларнинг насибасига чангал солишини ҳеч тушуниб бўлмайди, бу ақлга сиғмайдиган ҳолдир.

Ҳурматли халқ вакиллари!

Маҳалла тепасида ҳалол ва пок одамлар туриши керак. Чунки одамлар ана шундай ҳалол кишиларнинг ортидан эргашади, уларнинг гапини икки қилмайди. Маҳалла оқсоқоли ва фаолларининг таълим-тарбия масъулияти мактаб ўқитувчиларининг масъулиятидан ортиқ бўлса борки, асло кам эмас.

Мана, бир кўнгилсиз мисол: вилоятда вояга етмаган болалар 1995 йилнинг 10 ойида 117 та жиноят содир этган. Бунга маҳалла, оила ва жамоат жойларида тарбияга эътиборсизлик, мактабда таълим-тарбия ишларига бир томонлама ёндошиш сабаб бўлмоқда.

Вилоятда айрим қўпорувчи гуруҳларнинг пайдо бўлиши бевосита маҳалла ва оилада тарбиянинг сустлигидан далолат бермайдими?

Кўп ҳолларда жиноят, жиноят қилиш, бир жиҳатдан, бу қалби нопок, нияти бузуқ кимсаларнинг салбий таъсири бўлса, иккинчи томондан, фарзандларимизнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан ғўрлиги, ғоявий жиҳатдан чиниқмаганлиги оқибатидир. Натижада улар ўз юрти у ёқда турсин, ўз ота-оналари бошига ҳам оғир ташвиш солмоқда.

Айрим ғаламислар ўзларининг ғаразли ниятларини амалга ошириш мақсадида айни шу вилоятдан 46 нафар йигитни танлаб қўпорувчилик ишларига жалб этишга уринишди. Йўқса, бунинг оқибатида 21 нафар йигит ота-онасини алдаб, қалбаки ҳужжатлар билан баъзи бир доҳийлик касалига дучор бўлган жиноятчи ва ватанфуриш кимсаларга эргашиб хорижга қочиб кетганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Эсингизда бўлса керак, шулардан беш нафари Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Бу нохуш ҳодиса оилаларда ҳам, маҳаллаларда ҳам тарбиявий ишларнинг сустлигидан, раҳбариятнинг эса жойлардаги муҳит юзага келаётган баъзи бир нохуш вазиятлардан хабардор эмаслиги, лоқайдлиги ва бепарволигидан далолат беради.

Республикамизда жамоат ташкилотлари мавқеи тобора кучаймоқда. Хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ваколатлари кенгайтирилиб, уларга ҳоким ўринбосари мақоми берилиши шунчаки мансаб улашиш кампанияси эмас. Аксинча, маҳаллий ҳокимият органларининг халқ турмушига тобора чуқур кириб бориши, демократик жараёнлар самараси ва ахлоқий-маънавий тарбия таъсирчанлигини ошириш усулидир. Бироқ вилоятда ана шу хайрли иш натижаси кўринмаяпти. Ёшлар ва ўсмирлар тарбияси қолиб кетиб, тадбирбозлик авж олмоқда.

Вилоят касаба уюшмалари, қатор-қатор жамғармалар ва бошқа жамоат ташкилотлари нима билан шуғулланмоқда? Вилоят ҳокимлигида улар фаолиятини мувофиқлаштириб, таҳлил қилиб, баҳо бериб турадиган раҳбар борми ўзи? Аҳоли ҳаётига, тақдирига бефарқлик шунча ҳам бўладими?

Вилоятда маънавий-ахлоқий қадриятлар қиймати тушиб бормоқда. Мавжуд маданият уйлари, кутубхоналар, кинотеатрлар, спорт майдонлари, одамлар хордиқ чиқарадиган истироҳат боғлари жуда ачинарли аҳволга тушиб қолган. Маданият саройларини таъмирлашга маблағ ажратилмаган, улар қаровсиз ва таъмирга муҳтож. Бундай ҳолни вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманида учратиш мумкин.

Қарши, Ғузор, Шаҳрисабз, Китоб, Қамаши туманларида бир қанча кўркам бинолар қурилган, одамлар учун қўлайлик туғдирадиган бозорлар, чойхоналар, спорт майдонлари, йўллар бунёд этилган эди-ку! Ана шу ободончилик ишларини сиз билан биз амалга оширган эмасмидик? Минг афсуски, бундай савобли, Қашқадарё воҳасининг юзини, салоҳиятини бутунлай ўзгартириб юборадиган ишлар давом этмасдан қолиб кетганга ўхшайди.Вилоятдаги кутубхоналарнинг умумий аҳволи ҳам талаб даражасида эмас. Айрим туманлар ҳокимлари бюджет маблағини тежаш мақсадида ўз қарорлари билан кутубхоналарни ёпиб юборишган. **Иқтисодий қийинчиликлар ўз йўлига, лекин зиё маърифат ва тарбият ўчоғи бўлмиш кутубхонани ёпиш қип-қизил жиноят эмасми?**

Қарши, Касби, Косон туманларида раҳбарлар иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилиб, кинотеатрларни ёпиб қўйганига нима дейсиз?

Одамлар кун бўйи ишлаб келгандан сўнг, ҳордиқ чиқаргиси келади, томоша кўришни, чиройли боғларда сайр қилишни истайди. Афсуски, вилоятнинг деярли барча шаҳар ва туманларидаги истироҳат боғлари одам кирадиган аҳволда эмас.

Хўш, шаҳар ва туманлардаги стадионлар яроқсиз аҳволда бўлса, улардан мутлақо фойдаланиб бўлмаса, ёшлар ва болалар қаерга боради? Одамларнинг жисмоний тарбияси раҳбарларнинг эътиборидан бутунлай четда қолиб кетаверса, нима қилиш керак?

Кўча-кўйда санқиб юришга, шубҳали гуруҳларга қўшилишга, ёмон йўлларга кириб кетишга мажбур бўлади. Шундан фойдаланиб, уларга турли ғаламислар «устозлик» қилади. Бунинг натижаси нима бўлишини мен сал олдинроқ айтиб ўтдим.

Айрим туман ва шаҳарларни кўриб, нима, бу ерда замон ўзгармаганми, деб ўйлаб қоласан. Қарши шаҳрида ва қатор туман марказларида кўча ва майдонлардаги эски шиорлар ҳамон сақланиб қолган. Нима, бу большевиклар тузумини қўмсашми? Буни қандай тушуниш керак?

Соғлом, бақувват авлодни тарбиялаб, вояга етказиш доимо ҳукуматимизнинг диққат марказида турган масаладир. Вилоятда марказий тиббиёт муассасаларига сарф-харажат кўпайтирилиб, қишлоқ жойларга кам эътибор берилмоқда.

Мавжуд 678 та фельдшерлик-доялик пунктидан 84 фоизи, 177 та қишлоқ врачлик амбулаториясидан 60 фоизи, 43 та қишлоқ шифохонасидан деярли 80 фоизида шароит йўқ. 156 та шифо масканида телефон алоқаси ўрнатилмаган.

Бундай аҳволни Қамаши, Чироқчи, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларида яққол кўриш мумкин.

Соғлиқни сақлаш муассасалари малакали мутахассислар билан етарли даражада таъминланмаган. Усмон Юсупов, Нишон, Қарши, Баҳористон туманларида тиббий муассасалар педиатр ва ички касалликлар шифокорлари билан 70-75 фоиз таъминланган, холос.

Аҳоли ўртасида турли касалликлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Оналар ва болалар ўлими бўйича ҳам аҳвол ниҳоятда жиддий. Айниқса, Яккабоғ, Касби, Нишон, Деҳқонобод туманларида вазият оғир. Бу туманларда касалланиш ҳар 10 минг кишига 9-11 фоизни ташкил қилмоқда.

Бу нима деган гап? Лоқайдликми, ўз касбини билмасликми, ё виждонсизликми?

Вилоятда аҳолининг йиллик ўсиши уч фоиздан зиёдни ташкил этади. Бу кўрсаткич Ўзбекистон бўйича биринчи ўринни эгаллайди. Фарзанд кўриш — бу дунёда катта бахт. Лекин, соғлом авлод ўстириш, уни вояга етказиш жуда катта масъулиятдир. Буни ҳеч ким унутмаслиги керак.Бироқ Қашқадарё воҳасида туғилаётган авлоднинг соғлиғи, соғлом ўсиши, оналарнинг ҳаҳвоти, уларнинг дардлари кимнинг эътиборини жалб қилмоқда?

Буни қайси масъулиятли раҳбардан сўраш керак? Бугун мавжуд бўлган нохуш аҳвол учун кимни жавобгарликка тортиш керак?

Соғлиқни сақлаш соҳасига маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағ йилдан-йилга камайиб бораяпти. Шундай ҳолатда ҳам 1995 йилнинг 9 ойида соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган маблағнинг 66 миллион 400 минг сўми ишлатилмаган.

Маориф соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳам қониқарсиз аҳволда. Шаҳар ва туман ҳокимлари бу масала билан умуман қизиқмай қўйишган. Вилоятда 140 та мактаб авария ҳолатида, 1988-92 йилларда қурилиши бошланган мактаблардан атиги 3 таси ишга туширилган. Аниқ фанлар, чет тиллар ва жисмоний тарбия фанлари бўйича ўқитувчилар етишмайди.

Мактаб раҳбарларининг 17 фоизи тест синовларидан ўта олмаган, ўқувчиларнинг физика, химия, биология, хорижий тиллардан билим савияси ниҳоятда паст. Мактаблар таъмирга муҳтож. Моддий-техника базаси ўта ночор. Шу йилнинг 9 ойида маориф соҳасига маҳаллий бюджетдан ўзлаштириш учун ажратилган маблағнинг 54 миллион сўми ишлатилмаган.

Ҳукумат тадбирларини амалга оширишда матбуотнинг аҳамияти беқиёс. Бироқ, вилоят оммавий ахборот воситалари мавжуд муаммоларни ёритишда масъулиятсизлик қилмоқда. Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини теран таҳлил қиладиган мақолалар йўқ ҳисоби. Масала ва муаммоларга шошма-шошарлик, юзакилик билан ёндашилади. Танқидга жуда кам эътибор берилади.

Шу йилнинг ўтган даврида «Қашқадарё ҳақиқати»да иккита кичик танқидий мақола берилган, холос.

Нима, бугун вилоятда амалга оширилаётган ишлар қониқарлими? Халқ хўжалиги соҳаларида муаммолар йўқми?

Келинг, вилоятдаги исломхотларга ва иқтисодий ривожланишга бир назар ташлайлик.

Хусусийлаштириш борасида давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси (Р. Хидиров) фаолиятини қониқарли деб бўлмайди. Мулк шаклини ўзгартиргани корхоналар билан иш олиб борилмаяпти, ном ўзгарган-у, иш услуби эскича.

Фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган 77 та бинодан фақат 9 таси кимошди савдосига қўйилган. Тарғибот ва реклама хизмати йўлга қўйилмагани сабабли аҳолига кўчмас мулк қилиб сотилиши мўлжалланган ер майдонлари кетма-кет 5-6 мартадан кимошди савдосига қўйилмоқда.

Текшириш шуни кўрсатяптики, одамлар сўраб юрган, муҳтож бўлган ер участкаларини кимошди савдоси орқали эмас, аксарият ҳолларда ҳокимликлар томонидан пора олиб, таъмагирлик йўли билан ажратиш қулай бўлмоқда.

Вилоятнинг кўплаб туманларида Вазирлар Маҳкамасининг фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва уларни рағбатлантириш ҳақидаги қарорлари охиригача ўз ечимини топмаяпти. Уларга 6 минг гектарга яқин ер майдони ажратиб берилмади.

Мустақил ва хўжаликлар таркибидаги фермерларнинг иш якунлари таққосланганда, мустақил фермерлар деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини 4 марта кўп ишлаб чиқарилаётганига қарамасдан, вилоятда фаолият кўрсатаётган 1611 фермер хўжалигидан 510 таси ҳамон мустақил фаолият юритмаяпти.

Фермерларга хизмат кўрсатишга мутлақо эътибор йўқлиги сабабли улар ўз вақтида ерларини ҳайдаш, ишлов бериш, ҳосилни йиғиб олиш имкониятларидан тўла фойдалана олмаяпти.

Фермерлар томонидан шунча қийинчилик билан етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш аҳволи бундан ҳам баттар. Чунки деҳқон тайёрлов ва қайта ишлов корхоналарига топширган маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ ололмаяпти. **Маҳсулотга қўйилаётган нарх эркин нарх бўлмасдан, мажбурий нарх бўлиб қолмоқда. Шу йўл билан фермерларга катта зарар етказилмоқда ва тўсиқ қўйилмоқда. Бунга қачонгача чидаш мумкин?**

Ҳисоб-китоб ишлари ойлаб пайсалга солинмоқда. Натижада, бугунги кунда фермерларнинг дебитор қарзлари 1 миллион 300 минг сўмдан ошиб кетди. Бу эса фермер хўжаликларининг сони камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Вилоят бўйича 1992 йилда 2476 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатган бўлса, 1995 йилнинг 1 ноябрига келиб уларнинг сони 765 тага камайган.

Мулк эгалари солиқ ҳақидаги қонунни бузишга, ўғирлик, талон-торожга йўл қўймоқдалар. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида корхона ва ташкилотларнинг 2168 нафар мансабдор ходимидан маъмурий тартибда 1 миллион 810 минг сўм ва яқин жарима ундириб олинган.

Вилоят солиқ бошқармаси раҳбарияти давлат бюджетига кафолатли тушум тушишини таъминлаш ўрнига мансаб талашиш билан овора. Қарши шаҳар солиқ бошқармасида бир йилда раҳбарнинг 3 марта алмашганини қандай тушуниш керак? Балки, айрим кимсаларга бундай лавозим ўта мойли-ёғли вазифа бўлиб тўюлиши сабабми?

Товар-моддий бойликларини четга чиқариш борасида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Шу йилнинг 9 ойи давомида 105 марта ноқонуний тарзда четга мол олиб чиқиб кетиш ҳоллари қайд этилган. 1 миллион 300 минг сўмлик товар-моддий бойлик давлат ҳисобига мусодара қилинган, булар асосан пахта толаси ва озиқ-овқат маҳсулотларидир.

Вилоят қишлоқ хўжалиги суст ривожланмоқда. Аксарият етакчи соҳаларда ҳатто кескин орқага кетиш ҳоллари рўй бермоқда. Шу йил пахта йиғим-терими мавсумида техникадан яхши фойдаланилмагани оқибатида машина терими режаси 45 фоизга уддаланди, холос.

Сиз, раҳбарлар аҳолини пахта йиғим-теримига моддий қизиқтириб, рағбатлантириб, керак бўлса, руҳини кўтариб, ўз вақтида жалб қила олмаганингиз сабабли вилоятнинг пахтачиликдаги имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмади.

Нишон, Муборак, Косон, Усмон Юсупов туманлари йиллик режаларини уддалай олмадилар. 14,8 минг тонна ҳосил йиғиштириб олинмасдан қолиб кетди. Бу йил вилоятда 1994 йилга нисбатан 20 минг тонна кам ҳосил олинди.

Ғалла етиштириш ер майдонларини кенгайтириш ҳисобига бирмунча ошган бўлса-да, 1995 йилда гектар бошига етиштирилган ғалла ҳосили 14,7 центнерни ташкил этди. Натижада давлат омборларига 123 минг тонна ғалла етказиб берилмади. Ғалла ҳосилдорлиги Деҳқонобод туманида 5,8, Ғузорда 8,2, Косонда 11,7 центнерни ташкил қилган.

Деҳқонобод, Нишон, Косон, Чироқчи туманларидаги айрим хўжалик раҳбарларининг мамлакатимиз ғалла сиёсатига бефарқ муносабати туфайли **суғориладиган ерлардан, қайтариб айтаман, суғориладиган ерлардан лалми майдонларга нисбатан кам ҳосил олинган. Буни қандай баҳолаш керак?**

Бундан ташқари, хўжаликлар билан вилоят дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳиссадорлик уюшмаси ўртасида эркин нархларда ғаллани сотиб олиш юзасидан шартномалар тузилмагани сабабли давлатга 80 минг тонна ғалла топширилмай қолган.

Давлат дон топшириғи бажарилмай туриб айрим хўжаликлар дон маҳсулотларини иш ҳақи ҳисобидан фуқаро, хўжалик ва ташкилотларга сотганлар. Қамаши туманидаги «Ғаллакор» хўжалиги, Яккабоғ туманидаги Амир Темур номидаги хўжалик, Баҳористон туманидаги «Олтин бошоқ» хўжалиги, Касби туманидаги Талишбе хўжалиги ва бошқалар шулар жумласидандир.

Сўнгги йилларда мева, сабзавот, полиз, картошка ва узум етиштиришга эътибор сусайтириб юборилгани сабабли ҳосилдорлик камайиб кетган. Масалан, 1992 йилга нисбатан бу йил 56,3 минг тонна сабзавот кам етиштирилган. Картошка 4 минг тоннага, мева ва узум 46,8 минг тоннага камайган.

Вилоят қулай тупроқ ва иқлим шароитига эга бўлса-да, ўзини-ўзи картошка билан таъминламаяпти. Бу иш билан ҳеч ким шуғулланаётгани йўқ. Уни маъқул майдонларда жойлаштириш , агротехника ва уруғчилик масаласи ҳокимликнинг назаридан четда қолган. Вилоятда 85 минг тонна картошка зарур бўлса, атиги 15-20 минг тонна етиштирилмоқда. Ҳосилдорлик эса ҳар гектар ердан атиги 50-80 центнерни, 1995 йилнинг 10 ойида эса 60 центнерни ташкил қилган.

Вилоятда шу йилнинг 9 ойи давомида туман ва хўжаликлар раҳбарлари айби билан асоссиз равишда 15 минг бошдан зиёд қорамол, 1500 бошдан зиёд соғин сигир, 7 минг бошдан ортиқ чўчқа, от, туялар сони камайиб кетди.

Чорвачиликка мутасадди бўлган туман агросаноат фирмалари, мева-сабзавот, вилоят гўшт ва сут ҳиссадорлик уюшмалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотини назорат қилиш инспекцияси, зоотехник ва ветеринар инспекцияси, илмий-текшириш институтларининг вилоят филиалларидаги мутахассис ва раҳбарларнинг ўз ишларига эътиборсиз ёндашганликлари сабабли агросаноат соҳасида ижобий силжишларга эришилмаяпти.

Аввалambор, бунинг сабаби меҳнатни ташкил қила билмаслик, ташаббусни ўз вақтида қўллаб-қувватламаслик, одамларни рағбатлантира олмасликдир. Афсуски, вилоят раҳбарлари эскича ишлаш услубидан, маъмурий-буйруқбозлик, боқимандалик, даъво қилиш, расмиятчилик ва дўқ-пўписа билан ишлаш иллатларидан халос бўлолмаяптилар.

Савдо ва маиший хизмат соҳаларида олиб борилаётган ишлар талаб даражасидан паст. Савдо соҳасида дўконлар хусусийлаштирилганига қарамасдан, ҳали ҳам мавжуд савдо ташкилотлари раҳбарларининг ўзлари эски усулда маҳсулот тақсимоти билан шуғулланиб келмоқда. Шу сабабли баъзи бир савдо шахобчаларида зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари йўқ.

Вилоятда савдо қоидаларига риоя қилиниши кўриб чиқилганда 2241 та савдо шахобчасининг 50 фоизидан зиёдида қонунбузарлик ҳолларига йўл қўйилгани аниқланди, улардан 2,4 миллион сўм жарима ундириб олинди.

Маиший хизмат кўрсатиш шу йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 33 фоизга камайган.

Молия-кредит тизимларини такомиллаштириш, тўловларни тартибга солиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, турмуш шароитини яхшилашга етарли аҳамият берилмаяпти. Вилоятда пул эмиссияси 60 фоизни, дебитор қарзлар 6 миллиард сўмни ташкил қилади.

Натижада корхона ва ташкилотларнинг иш ҳақи бўйича қарзлари 665 миллион сўмга етди. Эмиссия Қарши, Деҳқонобод, Қамаши, Чироқчи, Яккабоғ, Касби, Нишон, Муборак, Усмон Юсупов туманларида 60-90 фоиз атрофида қайд этилган.

Бундай ҳолат давом этса, ишчиларга иш ҳақини эртага нима ҳисобидан берамиз?

Вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш, қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчиларни саноатга жалб этиш масалаларида ҳам аниқ режа йўқ.

Чўл зоналарида ишчи кучи етишмайди, тоғ зонасида эса одамлар иш билан таъминланган йўқ. Шуларни тоғдан тушириб иш билан таъминлашни ҳам биз келиб қилишимиз керакми?

Сирдарё, Жиззах вилоятларига андижонликлар келиб ишлаётганидан хабарингиз борми?

Жойлардаги меҳнат биржалари ишсизларни рўйхатга олиш ва нафақа тўлашдан нарига ўтмаяпти. Хабарларинг бор, яқинда республикамизнинг жанубий вилоятлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётини тезлаштириш, транспорт хизматини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Ғузор-Қумқўрғон темир йўлини қуриш тўғрисида махсус қарор қабул қилди.

Ушбу йўлнинг қурувчилари қашқадарёликлар бўлмай ким бўлиши керак? Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрдиларингми? Бекор юрган ёшларни шу долзарб қурилишга жалб қилиш учун ҳозирданоқ тайёргарлик кўриш керак эмасми?

Ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Жиноятчилик номақбул, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий муҳитдагина илдиз отиши мумкин.

Вилоятда жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳуқуқ-тартибот ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмас.

Одам ўлдириш, босқинчилик, товламачилик, безорилик, гиёҳвандлик каби жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ошиб кетган. Қайд этилган жиноятларнинг ўсиши асосан Қарши, шаҳри, Ғузор, Чироқчи, Китоб, Деҳқонобод, Нишон, Усмон Юсупов туманларида кузатилади.

Шу йилнинг ўзида содир этилган жиноятларнинг 15 фоизи очилмай қолмоқда.

Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан ўз мансабини суиистеъмол қилиш, қўрқитиш орқали пора олиш ҳоллари учрамоқда.

Ўғрилик, талон-торож қилиш каби қонун бузишлар агросаноат соҳасида ҳам кенг тарқалган. Айниқса, жамоат мулкини талон-торож қилиш, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, экинзорларни пайҳон қилиш ва бошқа жиноятлар кўплаб содир этилмоқда. Ачинарлиси шундаки, бу каби жиноятларга жамоа раҳбарлари, бригада бошлиқлари ҳамда моддий жавобгар шахслар йўл қўймоқда.

Одил судловни амалга оширишда ҳам қўпол қонун бузишларга йўл қўйилмоқда. 1995 йилнинг 9 ойи мобайнида 141 та жиноят ва 128 та фуқаролик ишининг 30 фоизи бўйича суд қарорлари юқори тоифа томонидан бекор қилинган.

Жамиятнинг маънавий қиёфаси бевосита қонун устиворлигига боғлиқ. **Биз қонунга бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантирмас эканмиз, жиноятчиликнинг олдини олиш муаммо бўлиб қолаверади.** Биз ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан боряпмиз. Ана шу эзгу мақсадга эришиш эса энг аввало одамларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини англай олиши, ўзини ҳимоя қила билишига боғлиқ.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатяптики, вилоят туман, шаҳар раҳбарлари халқдан ажралиб қоляпти. Натижада фуқаролар ўз раҳбарларидан умид узиб, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳаёт-мамот масалаларини ечишда адолат ва нажот истаб республика идораларига мурожаат қилишга мажбур бўляптилар .

Шу йилнинг ўн ойи мобайнида Президент девонига қарийб 1800 қашқадарёлик фуқаро ариза-шикоят билан мурожаат қилган ёки қабулда бўлган. Ҳар уч кишининг бири ўз ҳаққини талаб қилиб, қонунчилик бузилаётганидан норозилик билдирган, иқтисодий жиноятларни фош қилган. Давлат ва хўжалик тизимида ўғрилик, порахўрлик, таъмагирлик, маъмурий идоралардаги нуқсонлар бўйича ҳам шикоятлар жуда кўп.

Қадрли дўст-биродарлар!

Мустақилликнинг 4 йили давомида катта қийинчиликларни енгдик. Кутилмаган қарама-қаршиликлар ва зиддиятларга чидадик. Мамлакатда сиёсий, иқтисодий барқарорликни таъминладик. Ишлаб чиқаришнинг бир маромдаги равнақига кенг йўл очиб берилди.

Энг муҳими, одамлар ҳукумат танлаган йўлнинг тўғри ва ҳаққоний эканига тўла ишонч ҳосил қилдилар. Бу бизнинг энг катта ютуғимиздир. Иккинчидан, одамлар тафаккурида ўзгариш юз бермоқда. Бу — тараққиётимиз гарови, катта имкониятдир. Энди ҳамма гап ана шу имкониятдан моҳирлик билан оқилона фойдаланишда қолган.

Ўзбекистонимизнинг жанубий минтақасида жойлашган Қашқадарё вилоятининг ўзига хос файзи, таровати бор. Одамлари самимий, меҳнатсевар, меҳмондўст, танти бу юрт шахсан мен учун қадрли ва азиздир. Уз фикрига, мустақил фикрига таянган, ишонган етакчи раҳбар атрофида жипслашиб, унинг изидан боришга, ўзлари ишонган раҳбарини ҳимоялашга ҳар доим тайёр бўлган фаолларни яхши танийман.

Умримнинг бир қисми шу ерда ўтгани, озми-кўпми, меҳнатим синггани учунми, Қашқадарёни фарзандлик меҳри билан яхши кўраман. Ҳозир ҳам шу заминда ўтган йилларим ва кунларимни ҳавас-ҳавас қилиб эслайман. Ҳаётимнинг энг ёруғ, энг бахтли кунларини сиз, азизларнинг орангизда ўтганини яхши англайман.

Очиғини айтсам, бошимга оғир ташвиш ва уқубатлар тушган пайтларда, хаёлим паришон бўлган пайтларда шу кунларни эслайман ва шундан ўзимга қўшимча куч ва мадад топаман.

Азиз дўстларим!

Бугунги танқиддан тўғри хулоса чиқарасизлар, деб ўйлайман.

Сизларга ва бутун Қашқадарё халқига сиҳат-саломатлик, тинчлик-тотувлик, бахт-саодат ва ёруғ келажак тилайман.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

НУКУС. Бу ерда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ҳозирги ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва партия ташкилотларининг вазифалари ҳақида, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши ва унинг аппарати ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди. Бу ҳақда ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши биринчи котиби А. Асанов маъруза қилди.

Маърузачи ва музокараларда қатнашганлар шаҳар ва туманлардаги партия гуруҳларида, цех ва бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари партия Низоми асосида ўтаётганлигини таъкидладилар. Йиғилишларда партия аъзолари диққат-эътибори Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга қаратилмоқда.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан С. Қутлимуротов ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши иккинчи котиби лавозимидан озод этилди.

166-қурилиш трести бошқарувчиси бўлиб ишлаётган Эдуард Примбетович Қўшчанов Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши иккинчи котиби этиб сайланди.

Пленум ишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков, ЎзХДП Марказий Кенгаши котиби Ҳ. Авезов қатнашдилар.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Ушбу суратда моҳир ҳайдовчи Холиқ Алиев тасвирланган. У Пахтакор — Зафаробод йўналишида автобус ҳайдаб, йўловчиларнинг узоғини яқин қилмоқда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Хабарингиз борми?

ФИРМА ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛДИ

Куни кеча Тошкентда Чехиянинг «ЧКД Хоцень» фирмаси ваколатхонаси очилди.

Ушбу фирма 1921 йилдан буён совутиш ускуналари ва унинг учун зарур эҳтиёт қисмлар, ҳамда агросаноат комплекси учун айрим дастгоҳларни етказиб бериш билан шуғулланади. Бу фирманинг Ўзбекистон бозорига кириб келганига қарийб 35 йилдан ошди. Айни пайтда республикамиздаги совутиш ускуналарининг қарийб 70 фоизи ана шу фирма ҳиссасига тўғри келади.

Шуниси диққатга сазоворки, бу фирма маҳсулотлари сифатлилиги, нархининг анча арзонлиги билан Германия ва Дания корхоналарида тайёрланган ускуналардан ажралиб туради. «ЧКД Хоцень» фирмаси Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошидаги «Совуқ» илмий-муҳандислик маркази билан ҳамкорликда республикамиздаги истеъмолчиларга совутиш ускунлари ва унинг учун зарур эҳтиёт қисмлар етказиб бериш хусусида келишиб олдилар.

— Жойларда маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналар ва уни сақлаш учун омборлар етишмай турган айни пайтда «ЧКД ХОЦЕНЬ» фирмасининг биз билан ҳамкорликка киришгани қувончлидир, — дейди «Совуқ» илмий-муҳандислик маркази директори Аъзам Аюпов.

— Биз бу фирма кўмагида халқимиз дастурхонининг қишин-ёзин тўкин бўлишига эришиш ниятидамиз.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан

СОҲИБҚИРОН ҲАҚИҚАТИ

ёхуд Иброҳим МЎМИНОВнинг тарихий жасорати хусусида

Мустақиллик шарофати билан бой ўтмиш тарихимизни ўрганишга ва оммалаштиришга кенг йўл очилди. Айниқса, машҳур давлат арбоби ва лашкарбоши Амир Темурнинг фаолиятини ёритишга катта эътибор берилмоқда. Маълумки, бу табаррук зот тарихда кам учрайдиган буюк ҳукмдор ҳисобланиб, Марказий Осиёни қудратли давлатга айлантиришда ва жаҳон даврасига олиб чиқишда ҳал қилувчи ўринни эгаллаган эди. Аммо бу тарихий ҳақиқатни ва тараққиётни кўра олмайдиган мустамлакачилар ўзларининг манфаатларини ўйлаган ҳолда соҳибқирон бобомизни қоралаш йўлида ҳеч нарсадан тоймадилар. Шўро даврида ҳукм сурган бундай сохта хатти-ҳаракатлар ниҳоятда хавфли ва қалтис вақтлардаёқ Иброҳим Мўминов томонидан фош этилган эди.

Назаримда ўша кезларда мазлум халқнинг кўкрагига бироз бўлса-да шамол ва елкасига офтоб текканлай бўлди. Одамларда Амир Темур билан ғурурланиш ва фахрланиш туйғулари кўзга ташланди. Айни бир пайтда Амир Темур масаласи бўйича айрим зиёлиларнинг ўтмишни идеаллаштиришда ва миллатчиликда айблаш ҳаракатлари бошланиб, хавотирлик тобора кучайиб борди. Ҳатто «олимларнинг ҳаммаси яхшилаб «бичилмаган»ки, уларнинг орасидан золим Амир Темурни мақтайдиганлар чиқди» деган сўзлар ҳам қулоққа чалинди.

Марказ ниҳоятда хавфсираб Амир Темурга қарши курашни баттар қизитиб юборди. Бу борада биринчи навбатда айрим иродаси мўрт кишилар ишга солинди. «Сопини ўзидан» чиқаришга устаси фаранг бўлмиш Марказ Иброҳим Мўминовга қарши ҳужумларни уюштириб турди.

Хўш, Амир Темурни «оқлаш» ва унга қарши кураш қандай кечган эди? Мен бу жараённинг жонли гувоҳи бўлганман. Шунинг учун ўз хотираларимни сиз азизлар билан баҳам кўрсам, фойдадан холи бўлмас.

Аввало ўзим ҳақимда: мен ўша пайтда Тарих институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари ва бир вақтда бўлим раҳбари лавозимида ишлардим. У вақтларда белгиланган тартибларга кўра ўтмиш ва ҳозирги замон тарихига доир илмий ишларни бошқариш ва чоп этишга тайёрлаш ҳамда докторлик ва номзодлик диссертациялари жавобгарлиги менинг зиммамга юклатилганди. Шу боис кунларнинг бирида Иброҳим Мўминов ўз ҳузурига чақириб:

— Энди тарихий шахсларнинг фаолиятини, биринчи навбатда Амир Темурни ўрганиш зарурати туғилди. Бу масала бўйича институтда қандай ишлар қилинган?— деб сўради.

— Афсуски, ҳеч нарса қилинмаган. Биласиз, бундай масалани режалаштириш имкони йўқ. Рухсат берилмайди, — дедим.

— Менимча, хоҳиш-ирода ва жасорат бўлса йўлини топса бўлади.

— Тўғри, одамларда хоҳиш бору, лекин... жасорат йўқ шекилли.

— Ҳамидулла! Қачонгача ўз Ватанига ва халқига фидокорона хизмат қилган давлат арбоблари қораланади? Сизга топшириқ шуки, Амир Темур ва темурийлар даври бўйича мутахассислар билан Амир Темур ҳақида илмий иш ёзишни гаплашинг. Чўчиманглар, ёрдам берамиз ва қувватлаймиз!..

Очиғини айтганда, Иброҳим аканинг ҳаяжон билан айтган бу сўзлари менинг учун ғайритабиий бўлиб туюлмади. Чунки у киши билан кўп йиллар давомида суҳбатларда бўлиб, ўтмишга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатини ва ватанпарварлигини яхши биладим. Унинг ташаббуси ва бевосита иштирокида 1966 йили Тарих институтида жадидлар ва 1898 йилги Андижон қўзғолони бўйича илмий анжуман ўтказилган эди. Маълумки, бу муҳим иккала масала ҳам илмий асарларда ва матбуот саҳифаларида қаттиқ қораланган ҳолда баён этиларди.

Анжуманда «Ёш бухороликлар» ва «Ёш хиваликлар» сингари жадидлар фаолиятига ижобий баҳо бериш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу, умуман, жадидчилик ҳаракатларини тўғри таърифлашга қаратилган дастлабки қадам эди. Шунингдек, Андижон қўзғолони ҳам мустамлакачиликка ва миллий зулмга қарши қаратилган илғор «прогрессив» ҳаракат сифатида ижобий баҳоланди.

Мен юқоридаги муҳим топшириқни бажариш учун тарихчилар билан суҳбатлашдим. Лекин бирор киши Амир Темур ҳақида ёзишга розилик билдирмади.

Марҳум академик Яҳё ака эса ҳазил оҳангида деди:

— Мен жон-жон деб шу ишни қилардиму, лекин қанд ва кўз касаллигининг зўрайиши орқасида имконим йўқ-да. Агар кимки бу ишни қилса ёрдамимни аямайман. Бир гапни ҳар эҳтимолга қарши айтай: Амир Темурга ижобий баҳо берсак ҳаммамизни миллатчиликда айблашлари мумкин. Мен учун бунинг ҳеч қандай фарқи йўқ. Чунки, акам «халқ душмани» сифатида отилгандан кейин терговга чақираверіб, кўп азоб беришган, пишиб кетганман. Бордию миллатчиликда айблашса Иброҳим Мўминовични Шароф Рашидовнинг қудаси бўлгани учун аяшлари турган гап. Бошқа одамларни ким ўз ҳимоясига олади? Масалан, шахсан сизни ким балодан қутқара олади?

— Яҳё ака, ўзим асли урушда ўлиб кетадиган одам эдим. Лекин эсон-омон қолиб шу даражага етдим. Сийловга қолган умримни тарих фани учун қурбон қилишга розиман, — дедим.

— Ҳамма нарсани тушуниб турибман, аммо сизни синаб кўрай деган эдим. Ўзингиз танлаган тўғри йўлдан кетаверинг, асло қўрқманг...

Соҳибқирон ҳақида ёзишга журъат қиладиган бирорта ҳам тарихчи топа олмаганимни Иброҳим акага айтдим. Ранги ўзгарди ва жаҳли чиқиб:

— Наҳотки тарихчилар орасида бирорта ҳам хўрози топилмаса? Бу жуда уят-ку ахир?! — деди.

Кўп ўтмай Иброҳим ака Амир Темур фаолиятини шахсан ўзи ёзишга аҳд қилганлигини маълум қилди. Бу мени ва бошқа олимларни ҳайратлантирди. Чунки у киши партия ғоявий сиёсатининг бош тарғиботчиси, депутат ва давлатнинг энг ишончли кишиларидан бўла туриб, тинимсиз қораланаётган Амир Темурни ўрганишга жазм этиши бизларга ғалати туюлди. Ҳатто орамизда бунга Шароф Рашидовдан рухсат бўлганми ёки йўқми деган фикрлар ҳам туғилди. Менимча, бунда Иброҳим аканинг кўпроқ ватанпарварлиги, мардлиги ва жасорати устун келган эди. У бир неча ой давомида манбаларни қунт билан ўрганиб ва умумлаштириб ишни ниҳоясига етказди.

Бу ишга тааллуқли тақризларни ва унинг муҳокамасини уюштириш менга топширилди. Гарчанд иш билан танишган олимларда яхши таассурот қолдирган бўлса-да, тақризни ёзма равишда олиш қийин бўлди. Чунки оқибати яхши бўлмаслигидан хавотирланувчилар оз эмас эди-да. Иброҳим Мўминовнинг ёзган иши тор доирада бир неча маротаба муҳокама этилди. Бир йиғилишда тақризчилардан бири «Темурни Ўрта Осиё халқлари ҳурмат қиладилар» деган жумлани олиб ташлашни таклиф қилди. Шунда домланинг «Худди мана шуни кўрсатиш учун ишни ёздим», дегани эсимда.

Иброҳим ака ўзаро суҳбатда мендан бу мавзуни қайси доирада муҳокама қилиш ҳақида фикр сўраганида «Академия президумининг тарихшунослик, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимларининг кенгайтирилган йиғилишида кўрилса яхши бўларди», дедим. У киши бу гапни аввал маъқул топган бўлса-да, лекин кейин Ўзбекистон ФА Президиумининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинишини билдирди.

Ниҳоят 1968 йил 5 май соат 10 да Академиянинг биринчи қаватидаги кичик залда Президиум кенгаши очилди. Аммо бу йиғинга келаётган кишиларнинг ранги ўчган ва кайфияти паст бўлиб, юзларида хавотирлик ва қўрқув аломатлари яққол кўзга ташланиб турарди. Шу тарзда О. С. Содиқов кириб келди. Кетмакет академиклар А. М. Музаффаров, В. Қобулов, С. Н. Рижов, Ё. Х. Тўрақулов, М. Н. Набиев, С. Х. Сирожиддинов, М. Т. Ойбек, Я. Ғуломов, П. В. Шчеглов, ЎзФА мухбир аъзолари М. З. Ҳамидхонов, М. К. Нурмуҳамедов, Ш. З. Ўразаев, О. Э. Эшонов, М. Й. Йўлдошев, Р. Х. Аминова, Ю. С. Султонов, фан докторлари М. М. Хайруллаев, А. А. Аъзамхўжаев, В. Б. Лунин, Х. Ш. Иноятов, Ҳ. С. Сулаймонов, Ҳ. Т. Зарифов, А. Ҳ. Ҳайитметов, Л. И. Ремпель, Г. А. Пугаченкова, Э. Фозилов, Т. Р. Рашидов, О. Д. Чехович, Ф. Абдуллаев, фан номзодлари М. О. Охунова, С. А. Азимжонова, У. Каримов, К. Мунировв, К. К. Комилов, А. Т. Муҳаммаджонов, А. У. Ўринбоев, С. Мирҳосилов, А. А. Асқаров ва бошқалар келишди.

Обид Содиқов маъюс оҳангда эҳтиёткорона тарзда кенгашни очиб, маъруза учун сўзни Иброҳим Мўминовга берди. У киши ўзига тўла ишонган ва мардонавор ҳолда Амир Темур фаолиятини бирма-бир шарҳлаб, уни машҳур давлат арбоби, моҳир лашкарбоши ва тараққийпарвар шахс сифатида таърифлади. Маъруза вақтида шу даражада жим-житлик ҳукмрон эдики, агар пашша учса билинарди.

Музокарада Иброҳим аканинг ишини Я. Ғуломов, камина, О. Э. Эшонов, Ш. З. Ўразаев, Ҳ. С. Сулаймонов, Б. В. Лунин, Л. И. Ремпель, Г. А. Пугаченкова, М. Хайруллаев, М. К. Нурмуҳамедов, Р. Муқинова ва Х. Ш. Иноятовлар ёқлаб сўзга чиқдилар.

Кенгаш бир овоздан Иброҳим Мўминов ёзган ишни чоп этиш ҳақида қарор қабул қилди. Шундан кейин кенгаш қатнашчиларининг юзидаги қўрқув ва хавотирлик янада кучайди ва зал бир зумда бўшаб қолди.

Отабек Эшонов билан Яҳё аканинг хонасига бир пиёла чой ичишга кирдик. Учаламиз анча ҳаяжонланган ҳолда бир-биримизни табрикладик. Яҳё ака:

— Хўп зўр иш бўлди-да, мен кенгаш жанжалга айланса керак деб ўйлаган эдим. Менимча, кенгашнинг Президиум доирасида ўтказилиши салобати босиб кетди шекилли, ҳеч ким ғинг дея олмади. Энди яна шуниям айтиб қўяйки, иккалангиз ҳам «қора хат»га тушдингиз, — деди.

— Яҳё ака, — деди Отабой ака. — Бугун қурбон бўлишга арзийдиган иш бўлди. Кўлларидан келса осмонга олиб чиқиб ерга ташлаб юборсинлар...

Чамаси бир соатлардан сўнг Иброҳим ака мени чақирди. Маълумки, қанд касаллиги туфайли у кишининг ранги доим ўчганроқ кўринарди. Лекин энди ранглари қизарган ва кўзларидан нур ёғилиб турарди, кайфияти ниҳоятда баланд эди. Очигини айтганда, мен Иброҳим акани бундай ҳолатда биринчи марта кўришим эди. Дарҳол ўрнидан туриб қўлини мен томон чўзиб кўришди ва катта муваффақият билан табриклади.

— Ҳамидулла, — дедилар мамнунлик ила. — Менинг номимдан музокарада қатнашганларга яна бир бор миннатдорчилик билдиринг. Айниқса, Яҳё Ғуломовдан хурсандлигимни айтинг.

— Бугунги кенгаш, — дедим мен, — тарихга муҳим воқеа сифатида киради.

Иброҳим ака эса:

— Ҳақиқатан ҳам улуғ иш бўлди. Бироқ бу фақат биз учун эмас, балки кенгашда қатнашган химиклар, математиклар, биологлар, ҳуқуқшунослар, шарқшунослар ва бошқа соҳа вакиллари учун ҳам қутлуғ кун бўлди. Уларнинг кенгашда қатнашиб бизнинг тарафимизда туриши катта мададдир. Кейинчалик Тарих институтида «Амир Темур ва темурийлар давлати тарихи» бўлимини ташкил қилиб, уни чуқур ва атрофлича ўрганамиз.

1968 йилда Иброҳим Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги тутган ўрни ва роли» китоби ўзбек ва рус тилларида чоп этилди. У кишининг ташаббуси ва бевосита иштирокида «Амир Темур тузуклари» ва Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари нашр қилинди. Ана шундай жасорат билан Иброҳим ака тарихни сохталаштиришга қарши биринчи бўлиб дадил ва ошкора бош кўтарган олим эди. Амир Темур ҳақидаги яширилган ҳақиқатнинг очилиши бутун республика зиёлиларини ва умуман бизнинг жамоа аҳлини тўлқинлантириб юборди. Кўчада кўрган таниш-билишлар ҳам табриклашиб, Иброҳим акадан ғоятда мамнун эканлигини изҳор қилардилар. Бундан ташқари, одамлар кетма-кет телефон қилишиб, у кишига қойил қолганликларини билдиришар ва шу китобни топиб беришни сўрашарди.

Китоб тез кунда сотилиб кетди. Аммо унга талаб кучаяверди. Шу боис мен Иброҳим акамга китобни қайта нашр этишни сўрадим. У киши сабр қилиб туришни айтди. Кўп ўтмай бир гуруҳ олимлар, хусусан, марҳум М. Ваҳобов ва бошқалар Иброҳим Мўминовни Амир Темурни идеаллаштиришда қораладилар. М. Ваҳобов партия фаоллари йиғилишларида ва бошқа жойларда Иброҳим акани қаттиқ танқид қилаверди. Марказнинг сиқуви остида юқорида кўрсатилган асарлар Ўзбекистон партия МК котибиятининг махсус қарори билан «ҳибс»га олинди. Натижада хатарли кунлар яқинлашаётганлиги сезилиб қолди. Ҳар куни менинг ёки Яҳё аканинг хонасида Иброҳим Мўминовга қарши бошланган ҳужумларни қай тарзда бартараф қилиш тўғрисида фикр алмашардик. Бунда О. Эшонов, М. К. Нурмуҳамедов ва бошқалар ҳам қатнашарди. Яҳё ака менга бу китобга тақриз ёзишни таклиф қилди. Иброҳим ака эса:

— Ҳозир бу китобдан фақатгина Ўзбекистондагина эмас, балки Москва ва бошқа жумҳуриятларда ҳам қаттиқ норози кишилар бор. Айниқса, Москвадаги бир гуруҳ олимлар тўполон қилаяпти. Бу аланга оладиганга ўхшайди. Тағин сиз жабрланиб қолманг, — дея мулоҳаза билдирди. Мен ҳам кўнглимни очдим:

— Кемага тушганнинг жони бир деганларидек, энди биргаликда курашамиз.

Мени Яҳё ака тўла қувватлади. Бир ҳафтадан кейин «Совет Ўзбекистони» газетасининг муҳаррири Мақсуд Қориевга тақризни топширдим. У киши бир-икки кундан кейин қўнғироқ қилишимни айтди. Ниҳоят ижобий жавоб олдим ва бир неча кундан кейин тақриз «Илмий рисола» номида «Совет Ўзбекистони» газетасида (1969 йил, 4 январь) чоп этилди.

Дарҳақиқат, Иброҳим ака айтганларидек, китобга қарши ҳаракатлар авжига чиқиб борди. Москвада Бутуниттифоқ Коммунистик партия МКнинг «Фан» бўлими ташаббуси билан барча республикалар тарихчилари йиғилиши ўтказилди. Унда Тарих институтининг директори Мелихон Охунова ҳам қатнашган эди. У Тошкентга қайтгандан кейин менга шу йиғилишда бир академик чиқиб, «одамларнинг бошидан минора ясаган золим Амир Темур Ўзбекистонда кўкларга кўтарилиб, ватан қаҳрамонига айлантирилди», — деди ва ўзи шахсан Шароф Рашидовга телефон қилиб бундан қаттиқ норозилигини билдирганлигини маълум қилибди. Шу кезда залда ўтирганларнинг орасида ғала-ғовур бошланиб қаттиқ чоралар кўриш ҳақида луқмалар ташланибди.

— Биласиз, — деди Мели Охунова. — Иброҳим Мўминовичнинг саломатлиги яхши эмас, мен бор гапни айтсам оғирлашиб қолишлари мумкин. Шунинг учун сиз ётиғи билан тушунтирсангиз яхши бўлармиди...

Мен рози бўлдим ва Иброҳим акага бўлиб ўтган воқеани умумий тарзда маълум қилганимда «айтинг, Мелихон буёққа чиқсин», — деди.

Мелихон Охунова у кишининг ҳузуридан чиққач, мени чақирди. Кирсам, кўзи ёшланган, ҳаяжонланган ҳолда ўтирибди. «Ишқилиб охири яхшилик билан тамом бўлсин, — деди у. — Иброҳим ака менга «йиғилишда икки оғиз гапирганингизда жуда ўринли бўларди», — деб айтди. Ахир ўзингиз ўйланг, мен совет даври бўйича мутахассис бўла туриб қанақасига Амир Темур масаласи бўйича сўзга чиқишим мумкин эди?»

— Гапингиз тўғри-ю, лекин институт раҳбари сифатида умумий тарзда сўзга чиқсангиз яхши бўлар эди, — дедим.

— Ким билади дейсиз, хаёлда йўқ нарса тўсатдан гапирилгандан кейин ўзимни йўқотиб қўйдим, шекилли, — деди Мелихон опа.

Хуллас, Иброҳим акага ҳужум зўрайиб борди. Чунончи А. П. Новосельцевнинг «Вопросы истории» журналида (Москва, 1973, N2), «Литературная газета»да ва ниҳоят ўзимизнан чиққан М. Абдураимовнинг «Вопросы истории» журналида (Москва, 1973, N5) Иброҳим аканинг китобига қарши мақолалар чоп этилди. Уларда Иброҳим Мўминовни Амир Темурни идеаллаштиришда айблашиб қаттиқ қораладилар. Ваҳоланки, марҳум М. Абдураимов бир вақтлар ўзининг «Темур ва Тўхтамиш» номидаги номзодлик диссертациясида ва кейинроқ эълон қилинган бир мақоласида Амир Темурни Ўрта Осиё тарихида ижобий роль ўйнаганлигини кўрсатиб ўтган эди. Аммо у ўзининг бу фикрини журнал таҳририятидан яширган ҳолда Иброҳим акани танқид ўқига тутди. Мен дарҳол унга қарши мақола ёзиб Яҳё акага ва Иброҳим акага кўрсатдим. Иккаласиям мақолани маъқуллади. Тахминан икки-уч кундан кейин домла мени чақириб, мақолани Шароф Рашидовнинг рухсатисиз юбормасликни тайинлади. Кўп ўтмай мени Шароф Рашидов қабул қилди. У кишига ҳам мақола маъқул тушиб, шундай деди:

— Кўриб турибсизки, Амир Темур масаласи бўйича кўтарилган норозилик авжига чиқди. Айтингчи, сиз ўз фикрингизда охиригача қаттиқ турасизми?

— Шароф Рашидович, — дедим мен, — уруш ветерани сифатида ҳар қандай шароитда ўз сўзимда турганман, бундан кейин ҳам шундай бўлишига ишонтираман.

— Яхши, ҳозироқ бу мақолани «История СССР» журналига юборинг.

— Борди-ю, дедим мен — шу мақолани Академиямиз журналида ёки бирорта газетада ҳам чоп эттирсак яхши бўларди.

— Бундай қилиш ,деди Шароф Рашидов. — Оловга керосин қуйиш билан тенгдир. Энг яхшиси, Москвада ўша журналда чиққани ҳар жиҳатдан маъқул.

Мен Шароф Рашидов билан суҳбатлашгандан ва кейинги воқеалардан сўнг шуни англадимки, Иброҳим ака у кишининг розилиги билан иш юритган экан. Буни соҳибқиронга бағишланган китобнинг зудлик билан чоп этилиши ҳам исботлайди.

Бир неча ойдан кейин «История СССР» журналига юборган мақоламга жавоб олдим. Бу вақтда... минг афсуски, Иброҳим Мўминов оламдан ўтган эди. Жавобда журнал таҳририяти М. Абдураимовни ўзининг Амир Темур ҳақидаги олдинги ижобий фикрини яширганликда айблади. Бу ҳақда журнал муҳаррирининг ўринбосари Красильников имзо чеккан ўша хатда шундай дейилган эди: «Абдураимов ўзининг Амир Темур ҳақидаги ижобий фикрларидан қайтганлигини ҳеч қачон ошкора маълум қилган эмас. Шу боис бу масалага бағишланган адабиётларга танқидий баҳо беришга маънавий жиҳатдан ҳаққи йўқ эди, деб ўйлаймиз». Буни яна шу нарса тасдиқлайдики, у ўзининг «XV-XVI асрларда Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тафаккурнинг ривожланиши тарихидан» номли тўпламидаги асосан Амир Темурга бағишланган мақоласини тилга олмай, Иброҳим Мўминовнинг ишини танқид қилиб журналга мақола юборган. Ваҳоланки, унда М. Абдураимовнинг журналдаги мақоласига қарши фикрлар мавжуд эди. Буни журнал нотўғри қилинган иш деб тан олган бўлсада, лекин Иброҳим Мўминовнинг китобида Амир Темур буюк давлат арбоби ва моҳир лашкарбоши, фан ва маданият ҳомийси ҳамда қудратли шахс сифатида гавдалантирилганлигини қаттиқ қоралаб мақоламни босишдан бош тортди. Шунга қарамай мен иккинчи марта журналга мурожаат қилдим. Бироқ, бу гал ҳам мақоламни чиқармасликларини маълум қилдилар.

Шахсан менинг ўзим М. Абдураимов билан яқин муносабатда бўлганман. У тарихга доир сермазмун илмий асарларнинг муаллифидир. Шунингдек, у Амир Темур фаолиятини махсус ўрганмаган бўлса-да, аммо у ҳақда айрим тўғри фикрларни ёзган. Ўзаро суҳбатларда ҳам соҳибқироннинг хизматларини тан олардди. М. Абдураимовнинг нима учун тўсатдан «тўнини тескари» кийганлигининг сабаби том маънодаги илмий баҳс эмас, балки айрим кишиларнинг айби билан юзага келган шахсий адоватларнинг маҳсули эди. Бундан ташқари ўша давргаги совет тузуми «сувни лойқалатиб», зиёлилар орасини бузиб туришдан ўта манфаатдор ҳам эди-да.

Шубҳасиз, файласуф бўлган ҳолда тарихий мавзуга қўл уриб, жасорат ва мардлик намунасини кўрсатган Иброҳим Мўминовни умуман тарих фанига муносабати қандай эди? — деган савол туғилади. Бунга жавоб беришнинг зарурияти яна шундан иборатки, у кишининг фаолияти ҳозирги замон олимлари учун ҳам ўта ибратли ва фойдалидир.

Мен Иброҳим Мўминов билан 1955—56 йилларда, яъни Тарих институтининг директори лавозимида ишлаганларида яқиндан танишганман. У вақтларда институтнинг «Янги тарих» бўлимида катта илмий ходим сифатида ишлар эдим. Гапнинг очиғи, мутахассислиги файласуф бўлган кишининг Тарих институтига раҳбар этиб тайинланиши бизда аввалига таажжуб ҳам уйғотган эди. Бироқ, вақтларнинг ўтиши билан бу фикрнинг асоссизлиги исботланди. Аввало, Иброҳим ака ўзининг софдиллиги, фидойилиги ва камтарлиги билан ҳаммага намуна бўлди. Кўп соҳада анча орқага кетиб қолган Тарих институтида катта ўзгаришлар кўзга ташланди. Аммо кўп ўтмай Иброҳим ака Ўзбекистон ФА вице-президенти вазифасига сайланди. Шундан кейин ҳам у одатдагидек, институтга умумий раҳбар эмас, балки унинг ҳақиқий жонкуяри бўлди. У кишида фақат олимлик эмас, балки ватанпарварлик, ташкилотчилик, ишбилармонлик ва бағри кенглик сингари олий фазилатлар мавжуд эди. Айни бир пайтда Иброҳим ака ўта камтарлиги ва мурувватлилиги билан ҳам ажралиб турарди.

Ўзи эгаллаб турган лавозимининг ниҳоятда муҳимлигини ва масъулиятлилигини яхши англаб ижтимоий фаннинг барча соҳаларини ривожлантириш учун тинимсиз ишлади. Менинг мутахассислигим файласуфлик деб ўзини четга олмай тарих, адабиёт, тилшунослик ва шарқшунослик бўйича чоп этишга тайёрланган илмий ишларни ўқир ва ўз мулоҳазаларини айтарди.

Хуллас, Иброҳим аканинг хонаси том маънодаги илмий ижодхонага айланган эди.

Маълумки, Иброҳим ака ўзбек халқининг бой маданий меросини жуда қадрловчи шахс сифатида донг чиқарган эди. Беруний, Ибн Сино, Фаробий ва бошқа буюк олимларнинг асарларини чоп этишда ва уларнинг таваллудларини ўтказишдаги илмий ва ташкилий ишлари ҳеч қачон унутилмайди. Унинг бевосита кўрсатмаси билан Тарих институтида «Ўзбекистон маданияти тарихи» бўлими очилди. Бу бўлимнинг зиммасига ўтмиш ва ҳозирги замон маданиятига оид барча соҳаларни ўрганиш ва оммалаштириш вазифаси юклатилди. Аммо Иброҳим ака вафотидан кейин бу иш сусайиб кетди. У киши қадимий ва ҳозирги замон шаҳарлари тарихини ўрганиш учун институтда «Шаҳарлар тарихи» бўлимини ташкил қилди. Бу бўлим Иброҳим аканинг масъул муҳаррирлигида икки жилдли «Самарқанд тарихи», «Бухоро тарихи» ва «Хоразм тарихи» сингари китобларни чоп этди ҳам. Сўнгра Тошкент, Андижон, Қўқон ва бошқа шаҳарлар тарихига доир асарлар яратилди. Иброҳим ака туфайли институтда «Иккинчи жаҳон уруши тарихи», «Суғориш тарихи» ва «Тарихшунослик» бўлимлари юзага келиб кўплаб илмий ишлар қилинди.

Умумий хулоса шуки, раҳматли Иброҳим Мўминовнинг Амир Темур ҳақидаги китобига қарши ҳужумлар ва уни бартараф қилиш ҳаракати 1969 йилдан то 1974 йилгача, яъни у кишининг вафотигача давом этди. Шу машаққатли йилларда унинг устидан Марказга кўплаб имзосиз ва имзоли хатлар юборилди. Ҳатто улар орасида кўп йиллар илгариги вақтларга тегишли Иброҳим акани «булғашга» қаратилган туҳмат сўзлар ҳам мавжуд эди. Айниқса адолатсизлик ва туҳмат билан ёзилган хатлар домланинг соғлиғини ёмонлаштириб юборди.

Кунларнинг бирида Иброҳим ака менга шундай деди:

— Сиз ҳали кўрасиз, шундай вақтлар келадики, Амир Темурни кўкларга кўтариб, буюк шахс сифатида қадрлайдилар...

Буни қарангки, унинг қутлуғ башоратлари кўз ўнгимизда рўёбга чиқиб, Амир Темурнинг мустақиллик ва эркинлик рамзи сифатида қадр-қиммати ўрнига қўйилди. Соҳибқирон бобомизнинг бундай қадрланишига замин ҳозирлаган сиймолардан бири Иброҳим Мўминов эди. У бу йўлда мардонавор курашди ва жонини фидо қилди. У умрининг охиригача ўз ватани ва миллатининг равнақи учун кучини ва билимини аямади.

Бу табаррук зот самарали ва жанговар фаолияти билан ўзбек халқининг миллий ҳис-туйғуларини уйғотишда чинакам инсонлик бурчини адо этди. Эндиликда унинг орзу-ниятлари рўёбга чиқиб руҳи шод бўлди. Менинг, юқорида қайд этилганидек, ўша йилларда Амир Темурга боғлиқ масалаларда қатнашишим мустақилликка эришилган вақтда жуда қўл келди. Зеро, Амир Темур фаолияти ҳамда унга қайкал ўрнатиш ва унинг номида ҳарбий академия ташкил қилиш ҳақидаги мақолаларни матбуотда чоп этиш менга насиб этди.

Минг шукрлар бўлсинким, Иброҳим Мўминов бошлаган иш беҳуда кетмади. Зеро, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов Фармони билан буюк бобомизнинг қадр-қиммати ўрнига қўйилиб, бамисоли унга жон киргизилди.

Ҳамид ЗИЁЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки 1995 йил 1 ноябрдан "Ўқувчи" номли янги омонат турини ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

"Ўқувчи" омонати — бу фарзандларингиз учун ажойиб совғадир!

"ЎҚУВЧИ" омонати бу:

- *миқдори камида 10 сўм бўлган,*
- *йилига 60 фоиз даромад тўланадиган,*
- *нақд пул билан ёки пул кўчириш йўли билан тўлдириб бориладиган,*
- *юқори даромад олиш учун, зарур миқдордаги маблағ йиғилгандан сўнг бошқа хоҳлаган турдаги омонатга ўтказилиш имкониятини берувчи омонат туридир.*
- *"Ўқувчи" омонати ўсмирларга ёшликдан ўз маблағидан тўғри фойдаланишни ўргатиш билан бирга, балоғат ёшини етарлича маблағ билан кутиб олиш учун имконият яратади.*
- *"Ўқувчи" омонати 12-18 ёшдаги ёшлар омонатидир!*

ХАЛҚ БАНКИ СИЗНИ КУТАДИ.

Маълумотлар учун телефонлар: 45-35-49, 33-78-02, 33-51-95

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ БОШҚАРУВИ

"РАҲИМИЙ ВА ЎҒИЛЛАРИ" ФИРМАСИ

чет элда ишлаб чиқарилган R — 13, R — 14, R — 15, R — 16 русумидаги фойдаланилган автошиналарни сотиш учун ВАКИЛ ИЗЛАЙДИ.

Телефонлар: 45-79-81, 45-79-96, 45-84-54.
Факс: 45-84-45.

EINKAUFS-QUELLE

МИЛЛИОН ТОПИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

ДЕРАЗА ОЙНАСИ

МАНФААТДОР КЎЯШЛАР ДИҚҚАТИГА!
"Ғазалкент ойна заводи" акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилган дераза ойнаси фақат "Ўзқурилишматериаллари" давлат концернининг "Қурилиш материаллари" савдо уйи орқали сотилади.
Манзил: 700070, Тошкент, Мироқилов кўчаси, 88-а (йўналиш: Бобур боғи). Тел: (3712) 55-79-19, 55-78-31, 54-55-39, 55-48-92, Факс: (3712) 55-74-88.

CUKURS-BIZNESS
ЦУКУРС-БИЗНЕС

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

Бизнинг шакар етказиб бериш шартномамизга ҳиссадор бўлсангиз, **сиз ҳар ойда 20 фоиздан 27 фоизгача фойда олишингиз мумкин.**

1000 сўмингиз бир ой ичидаёқ 1200 сўмга кўпаяди.

Ҳар бирингиз биз билан ҳамкорликда маблағ ишлаб топишингиз мумкин.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли (аввалги Урицкий) кўчаси, 6-уй, 101-хона. Телефонлар. (3712), 34-00-98, 34-05-07

Бунинг учун фақат кўнғироғингиз кифоя!

Тошкент шаҳар Миробод тумани Агробиофитомедицина илмий-ишлаб чиқариш ҳамдардлик маркази (ИИЧҲМ) **ТУГАТИЛАДИ.**

Эътироз ва даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Космонавтлар шоҳ кўчаси, 56-уй.

***

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани тиббий биологик агроэкология муаммолари институти (ТБАЭМИ) **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навруз кўчаси, 75-уй.

ҚОЗОҒИСТОН ШАКАР КОМПАНИЯСИ

ASTANA-HOLDING

ASTANA SUGAR

ШАКАР

Қозоғистондаги омбордан улгуржи етказилади
Нархи франко-вагон, Толдиқўрғон тоннаси
580 $
Имтиёзли чегирмалар
Тел: (3712) 474-550, 424-703
Факс: (3712) 509-929.

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг шу йил 28 ноябрь сонида босилган «Маърифатчилик фидойилик» мақоласининг тўртинчи устун учинчи хатбоши тўртинчи қаторидан «қушларни! Қуй Темур баҳодир ҳайкалин!» — ҳайқиради муаллиф» деб ўқилсин.

Спорт

МАВСУМ СОВРИНДОРЛАРИ

• Мамлакат миллий футбол чемпионати якунлари бўйича совриндор жамоалари аниқланди.

Навбаҳорчи Олег Шацких дарвозани 26 марта нишонга олиб, «Моҳир тўпурар» ҳамда «Ҳужум қуроли» номини олди. Шунингдек, навбаҳорчилар ўз ўйинғоҳларига қарийб ярим миллион кишини жалб этиш билан «Севимли жамоа» совринига сазовор бўлишди. Пахтакорчилар эса «Совриндорлардан ҳайиқмай», «Тараққиёт кубоги» мукофотларини қўлга киритишди. Мавсумда 9 марта ажойиб ғалабага эришган МҲСК футболчилари «Йирик ҳисоб билан» номини олишди. «Нефтчи»га «Энг сермаҳсул жамоа», «Энг яхши тўплар нисбати» ҳамда «Ғалабага бўлган иродаси учун» каби мукофотлар насиб этди.

ЯКУНЛОВЧИ УЧРАШУВ КЕЧИКТИРИЛДИ

• Мамлакат чемпионлари билан кубок соҳиблари ўртасида ўтказиладиган мавсумнинг якунловчи учрашуви кечиктирилди.

Маълумки, бу ўйинда мамлакатимиз энг кучли жамоаси аниқланиб, ғолиблар суперкубок эгаси бўладилар.

Зеро, «Нефтчи» жамоасининг янги йил бошида МДҲ чемпионлари мусобақасида иштирок этиши муносабати билан қилган илтимоси инобатга олиниб, якунловчи учрашув бошқа муддатга кечиктирилди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА

• Дзюдочиларимиз Деҳлида ўтказилаган Осиё чемпионатидан кумуш ва бронза медаллари билан қайтишди.

Алишер Мухторов билан Дмитрий Соловьёв вазнларига кўра иккинчи ўринни олган бўлишса, Армен Багдасаров билан Владимир Шмаков ғолиблик супасининг учинчи поғонасига кўтарилдилар. 11 нафар дзюдочимиздан еттовлони Атланта олимпиадасига борадиган бўлиб турибди.

Шатранж оламида

КАМПОМАНЕС ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

• Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) президенти Флоренсио Кампоманес ФИДЕ бош ассамблеясида ўз лавозимидан истеъфога чиқишини билдирди. У ушбу баёнотни федерация марказий қўмитасининг 22 аъзосидан 14 нафари унга қарши овоз бергандан кейин маълум қилди.

Қарийб 13 йил шахмат федерацияси президенти бўлган Ф. Кампоманес ассамблея йиғилишида сунгги сўз олиб, уз урнига Қалмиқия Президенти Кирсан Илюмжинов номзодини таклиф этди. Собиқ президент фикрига қараганда, К. Илюмжинов Г. Каспаров ва А. Карпов билан яқин дуст экан.

Шахматдан хабари бор кишилар бу гапнинг туғрилигини тасдиқлашмоқда. К. Илюмжинов илгари Россия Олий Кенгаши депутати бўлган даврда Гарри Каспаровдан тоза олтин ва қимматбаҳо бриллиантдан ясалган 8 килограммлик шахмат тожини сотиб олган. Узи шахматга қизиқади. Қалмиқия пойтахти Элиста шаҳрида халқаро турнирлар ўтказишга бош-қош булаётгани ҳам шундан. Анатолий Карпов билан булган муносабатлари ҳам дуруст.

Ким билади дерсиз, балки у халқаро шахмат федерацияси президенти этиб сайланса, икки тоздор уртасидаги келишмовчиликларни бартараф этишга кумаклашган ва бу билан кўп миллионли шахмат ишқибозлари кунглидаги ишни қилган булармиди?

Янги шеърлар

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири.

АСЛ МАРД ВАТАНГА ТИЗ ЧЎКИБ ЎТАР



ВАТАН БАЙРОҒИ

Юрт байроғин ҳар жойгамас
Кўнглингга эк, кўксингни ўй.
Ишлов бергин, юмшатиб тур
Илдиз отсин, кўрсатсин бўй.

То бу байроқ, Ватан, нурлар
Ич-ичингга кетсин кириб,
Токи ғаним — ватанхўрлар
Ололмасинлар суғуриб.

Юксалтир ҳар тирик жонни,
Учмас қуш ҳам учар бўлсин.
То байроқдан олдин жонни
Бермоқ осон кечар бўлсин.

ДАЪВАТ

Кундуз юриб ёздим, тун туриб ёздим
Ёзганда кўксимга тиғ уриб ёздим.
Сиёҳ дардларимга кор қилмай қолгач
Қаламни қонимга ботириб ёздим.

Қон асли ёруғлик, ёруғлан, тиз чўк
Асл мард Ватанга тиз чўкиб ўтар.
Қанча қонинг бўлса — Ватан учун тўк
Қанча шонинг бўлса — Ватанни кўтар!

ГАРЧАНД, ОЛЛОҲ...

Гарчанд оллоҳ менга доим ўнг беради
Азобларда адо қилиб сўнг беради —
Ўғил берса кўкси баланд ўғил берар
Қўзи берса пешонаси дўнг беради.
Қанча эрта келиб кутмай даргоҳига
Барча кутиб турганлардан сўнг беради.
Куя-куя саҳрода кул бўлганимда
Бир беҳишт гул, бир тоғлар-ки чўнг беради.
Шукур, бахтим ғамда чайиб олмоқ учун
Бир қувончим олдидан юз мунг беради.

ДЎСТДАН ОЛДИН...

Жон-жонингда дўстинг ўсса,
Тунларда ой тўлин, яхши.
Унга бало боқса, тўссанг,
Узун бўлса қўлинг яхши.

Ёлғиз издан ўтлар йиғлар,
Ҳатто бағри бутлар йиғлар.
Қўш из кетса маҳшаргача,
Бирга кетсанг йўлинг яхши.

Эзмас сангу, тош кўтарсанг,
Ерга бериб тўш кўтарсанг,
Қисмат юкин қўш кўтарсанг
Осонинг, мушкулинг яхши.

Агар ногоҳ босса ғам, доғ,
Олдинроқ оқ, олдинроқ оқ,
Лаҳза бўлсин олдин кетмоқ
Дўстдан олдин ўлим яхши!

Тугамас ишқ, бу сир, бу гап
Арвоҳинг ҳам ғанимга даф,
Тирик дўстни ҳимоялаб,
Гўрдан қўллар қўлинг яхши.

ТИЛОВЧИМАН

Мен ким, мен бир мунглиғ сингил, тиловчиман
Оғаларим, кипригим-ла силовчиман.
Оғаларим бир-биридан кечар осон
Жоним ипдир, мен уларни уловчиман.

Борлиғимни яратганлар, ишқ, оҳлардан
Қонлар, шонлар кечган ёвқур гувоҳлардан.
Ўч олганда ёғийлардан, гумроҳлардан
Тўмариснинг қўлларини қўлловчиман.

Мозий ичин ёритади милтиллаб шам
Сир кўраман карвонлари, кўчида ҳам,
Лашкар тортган қувонч менда, мендадир ғам,
Хушни олиб, чаппар уриб гулловчиман.

Биҳамдиллоҳ, қолсам ҳамки синиб, қуриб
Сўз айтаман ҳоки-туроб бўлиб туриб.
Авлодимни қайтмасликка онт ичдириб
Амир Темур йўлларидан йўлловчиман.

Мен ким, мен бир мунглиғ сингил, тиловчиман...

Билиб қўйган яхши

ОДАМ НЕЧА ЁШДА ЯХШИ ЯШАЙДИ?

ёки инсон умрининг тизими

Инсон ҳаётида бошдан-охир олдиндан тузилган режа ва тизим йўқдек кўринса-да, бироқ олимлар кишиларнинг ҳаммаси ҳаёт андозаси билан ҳаракатда бўладилар, ҳар бир одамнинг умрида бир қанча энг яхши давр бўлади, деб таъкидлайдилар.

Одам қайси ёшда жуда зийрак бўлади? 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган оралиқ зийраклик даври бўлиб, катта бўлиб борган сари яна ҳам оқил, тажрибали бўлиб боради.

Қайси ёшга борганда соғлом бўлади? Тадқиқотлар орқали шу нарса аниқланганки, эркаклар 15 ёшдан 25 ёшгача, хотин-қизлар 15 ёшдан 20 ёшгача ниҳоятда соғлом бўладилар. 15 ёшдан 25 ёшгача йигитларнинг мускуллари тез ривожланади. Касалликларга чидамли, бардам ва бақувват бўлади.

30 ёшдан 35 ёшгача Америка руҳий касалликлар тадқиқот академияси олимларининг айтишича, бундай касалликлар айнан шу ёшларда кучаяр экан.

Инсон учун энг қувноқ давр қачон дейсизми? 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган даврда энг ширин туйғулар, 40 ёшдан 49 ёшгача эса яхши касб туйғуси уйғониб, ривожланар экан. Ўттиз ёшдан ўттиз тўққиз ёшгача эса одатда ижодий иқтидор кучайган давр ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳаётда текис йўл йўқ. Муҳими, инсон ҳамиша жисмоний ҳамда ақлий ҳаракатда бўлиши керак.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлаган.

Халқаро кўргазма

ҚУРУВЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат меъморчилик ва қурилиш қўмитасида Туркиянинг «Демир» шўъба фирмаси ва «Ташмир» ўзбек-турк ширкати ҳамкорлигида уюштирилган қурилиш муаммоларига бағишланган амалий кўргазма-конференция бўлиб ўтди.

Кўргазма-конференцияда қатнашган турли қурилиш ташкилотлари вакиллари эътиборига Туркиянинг «Сика» ва «Кале Терасит» фирмаларида ишлаб чиқилган бир қатор бинокорлик жиҳозлари ҳавола этилди. Шу ернинг ўзида манфаатдор қурилиш ташкилотлари вакиллари икки томонлама ҳамкорлик қилиш йўллари ҳақида келишиб олдилар.

М. ЁҚУБОВА.





Қўнғироқ

БОҚИМСИЗ БОҒ ТОҒ БЎЛАР

Ҳаёт ўзи шунақа. Кимдир тузади, кимдир бузади. Зеро, эзгуликни ўйлаган инсон рўшнолик йўлида ҳамиша саъй-ҳаракат қилаверади. Бундай одамлар ҳақидаги ривоятни эса халқ оғзидан қўймай келади. Унда айтилишича, бир нуроний қария ниҳол ўтқазиб турса, йўловчи:

— Отам, ёшингиз ҳам бир жойга бориб қолибди, экаётганингизни меваси сизга насиб этармикан —дебди.

— Шунда қария, соқолини тутамлаб, бироз сукутдан кейин:

— Ҳа энди, яхши ниятда. Илло, сизларга насиб этсин болам, - деган экан.

Носир ота ҳам ана шундай савобли ишларнинг кетидан қувувчилардан эди. У оз эмас, кўп эмас бир гектарли майдонга сўлим боғ барпо этишга бош-қош бўлган. Хайрли ишларнинг ошуфталари бўлган ёшлар ва ҳеш-ақраболардан иборат бўлган ўн икки кишини ёнига олиб сўлим масканни вужудга келтирган эди. Бу ерда мевали ва мазали дарахтлар ўтқазилиб гулзорлар, дам олиш учун мўлжалланган ўриндиқлар, болалар майдончаси, отахонларга мўлжалланган гурунгхона каби қулайликлар яратилди. Боғнинг довруғи етти маҳаллага тарқалганди. Узоқ-яқиндан келаётган кексалар Тошкентнинг Оқтепа майдони яқинидаги бу гўшага қадам ранжида қилишни хуш кўрардилар.

Шоир Сергей Есенин номи билан аталувчи кўчанинг охирида, Олим Хўжаев номли, «Чўпонота новза» маҳаллаларига туташ бу масканнинг аҳволига ҳозир маймунлар йиғилаяпти, десак ишонаверинг. Хўш нега бундай бўлди, дейсизми? Суҳбатлардан шу аён бўлдики, боққа қаровчи тайин одам йўқ. Қарийб 30 йил боғбонликни ўрнига қўйган Носир ота Мансуров эса анча кексайиб қолганлар. 90 ни қаршилаш арафасида турибдилар. Баъзи одамларда эса лоқайдлик кайфияти юзага келган.

Ҳозир на гулзорларни ўрни бор, на ариқлар кўзга ташланади. Ёз буйи чивин босган қулмаклар атрофида ахлатлар уйиб ташланган. Одатда куз чоғлари боғ манзаралари ўзига хос гўзаллик касб этиб, сокинлиги билан кишиларга хуш кайфият бағишлайди. Бу ерда-чи? Бунинг акси. Одамлар эса бу боғнинг атрофидан чап бериб ўтишга мажбур бўлмоқдалар. Дарахтларнинг кўпи кесилган, ўриндиқлардан асар қолмаган.

Тўпланиб ётган хазон уюмлари, бир ҳафта, ўн кунлик ахлатлар бу ерда истиқомат қилаётганларнинг ғашига тегмаётгани майлия, баъзи бировларнинг пайтдан фойдаланиб, боғ ҳисобига ўз гаражларини қуриб олишаётгани кишини таажжубга солади. Шуни айтишади-да «бақироқ чолнинг бори яхши» деб. Балки, отахон аввалгидек тетик ва бардам бўлганларида, елиб-югуриб, «ҳой-ҳой»лаб бундай бемазагарчиликларнинг олдини олган бўлармидилар. Шу атрофда 180 ва 157-ўрта мактаб. «Бадиий буюмлар» фабрикаси, 35-озиқ-овқат дўкони ишлаб турибди.

Қани энди Шайҳонтоҳур тумани ҳокимлиги бу жамоаларда ташаббускорлик кайфиятини кўзғатиб, илгаридек оталиқ, ҳозиргидек ҳомийлик ёрдами ишларини йўлга қўйишга бош-қош бўлса. Маҳалла аҳли ҳам бундай савобли ишдан қуруқ қолмасликка ҳаракат қилармиди?

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Суратларни Владимир МОЛГАЧЕВ олган.





ЮЛДУЗ... ДИАНА... ЖИНОЯТЧИ

ёки она айби билан ёмон йўлга кириб қолган қизнинг аянчли қисмати ҳақида

Ўша куни Самарқанд шаҳар суди судьяси Елена Николаевна Тюгай кечгача ишхонасида ўтириб қолди. Қўлидаги ишни варақлар экан, инсон тақдири нечоғлик мураккаб эканлигига яна бир карра имон келтирди.

Бола тақдири фақат ота-она қўлида. Ёраб! Қачон биз тушуниб етамиз бу ақидани-а?! Дуппа-дуруст турмуш кечириб турган қизалоқ тайинсиз онанинг айби билан жиноят йўлига кириб кетса-я! Шунда бундан йигирма йилча илгари бўлган воқеа кўз ўнгидан ўта бошлади.

...Судда ҳеч қаерда ишламайдиган, ичкиликка муккасидан кетган аёлнинг иши кўрилганди. Унинг яккаю-ягона фарзанди — қизини болалар уйига топширишга қарор қилинди. Онанинг (уни она дейишга тилинг бормайди) парвойи палак.

Тақдирнинг ўз ҳукми бўлади. Бу сафар у қизалоққа мурувват кўрсатди. Болага шаҳарда оддийгина турмуш кечираётган эр-хотиннинг назари тушди. Улар ана шу гўдакда ўз бахти, келажагини кўришди. Қизалоқнинг туғма иллати борлигидан ҳам чекинишмади. Елиб-югуришди, меҳр-у муҳаббати билан даволаб олишди. Юлдуз! Ана шундай ном қўйишди унга. Вақт оқар дарё. Юлдуз шу орада мактабга борди. Унинг учун бахтиёр онлар бошланди. Ота-онанинг қувончини айтмайсизми?!

Эҳ, қандай шафқатсиз синовлари бор ҳаётнинг! Наҳотки, бундай инсоний муносабатлар олдида қонун ҳам ожизлик қилса?

— Юлдуз мактабда ўқиб юрганида унинг туққан онаси пайдо бўлиб қолди, — дейди судья. — Судлашиш бошланди.

Надоматлар бўлсинким, қонун даъвогар томонда. У болалар уйига «мен фарзандимдан кечдим» деган тилхат бермаган экан.

— К. Диана ҳақиқий онасига

Тақдир чорраҳаларида

қайтарилсин! Эҳ, қанчалик оғир эди бу ҳукмни ўқиш. Елена ўшанда судда котиба эди. Кўзидан беихтиёр ёш чиқиб кетди. Ота-онанинг ўшандаги аҳволини тасвирлашга қалам ожиз. Қиз эса дод солди:

— Йўқ, мен Диана эмас, Юлдузман! Ойи, ойижон, мени ҳеч кимга берманг. Бу аёлни ёмон кўраман! Ойижон...

Орадан йигирма йил ўтди. Елена Николаевнанинг қўлидаги мана бу иш унинг ўша туйғуларини қузғаб юборди. У ачиниш билан ишни варақлайди.

«Судланувчи К. Диана бундан илгари ҳам шахсий мулкни ўғирлагани учун судланган ва 1994 йилда жазо муддатини ўтагач, озод қилинган. Тергов пайтида ўз айбига тўла иқрор бўлди».

Эртасига Елена Николаевна суд коридорида қўлини орқасига қўйиб келаётган жиноятчи қизга дуч келди. Не кўз билан кўрсинки, у ўша эди. Ўша!

— Юлдуз, бу сенмисан?

— Мен Юлдуз эмас, Диана-ман...

— Ахир эсингдами, сени ота-онангдан олиб бир аёлга беришганди, эсингдами?

— Ҳа, эсимда...

Ҳа, эсида. Лекин у ўша кунларини нафрат билан хотирлайди. Она оналик қилмади. Яна ичкиликка берилди. Диана уйда назоратсиз қолди. Билганини қилди. Охир-оқибатда жиноятга қўл урди. Айтишларича, терговда у «мени тезроқ зонага жўнатинглар; илтимос» деяр экан. Қалбида эса «Эй худо, ишқилиб бу кунларимни ойим, ойижонгинам билмасин» деб нола қилади. Буни унинг кўзлари айтиб турипти.

Эҳтимол, у ўша мунис, меҳрибон онажонининг бағрида яхшилар қатори яшаб, Юлдуз бўлиб юрармиди...

«Суд ҳукм қилади:

Ўзбекстон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми билан К. Диана олти йилга озодликдан маҳрум этилсин ва молмулки мусодара қилинсин. Жиноят кодексининг 34-моддасига кўра у хавфли рецидивист деб ҳисоблансин».

Галина ТРОИЦКАЯ,
журналист,
Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси газета мухбири Нурмуҳаммад Алмуродовга отаси

Алмурод ота УСМОНОВнинг

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси ёзувчи Ҳамроқул Асқарга қизи

МАДИНАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0490.


БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи Р. ШОДИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21. 20.

1 2 3 4 5 6.